O`zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri

Insonga naf keltirish – oliy baxt

# Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

2010-yil 28-oktabr № 129 (2854) payshanba

# Бахтиёр, баркамол авлод гурунги



Назира БОЙМУРОДОВА олган сурат.

Суратда: ЎзДЖТУ халқаро журналистика факултети талабалари Дилрабо Сайдалиева ҳамда Ойдин Ҳакимова.

## Қушнинг икки қаноти

3-бет

Данғиллама уй-жой, сўнгги русумдаги хориж машиналари, дабдабали турмушни ким ҳам орзу қилмайди, дейсиз? Бундай имкониятларни қўлга киритганлар, киритаётганлар кўп. Айнан ана шундай ҳаёт тарзинигина орзулаб яшайдиганлар ундан ҳам кўп. Аммо, қанийди, инсоннинг инсонийлиги фақат ана шу моддий тушунчалар билан ўлчаниб қўя қолса?

## Лавозимига тикланди

6-бет

2010 йил 13 мартдаги ҳисобот сайлов йиғилиши баёнига кўра, З.Норматова касаба уюшма қўмитаси тафтиш комиссияси аъзолигига сайланган. Вакиллик органига сайланган ходимга интизомий жазо беришда ва у билан тузилган меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилишда маҳаллий меҳнат органининг розилиги олиниши шарт эди (МКнинг 25-моддаси).

## «Ўргимчак тўри» исканжасида

10-бет

Нега бугунги кун ўқувчиси китоб ўқимайди? Бугун матбуотда бу савол билан бот-бот чиқишлар қилинмоқда. Кўпинча бунга телевидение, видео, ИНТЕРНЕТни сабаб қилиб кўрсатишади. Аслида ҳам шундаймикан? Балки ўзимиз ёшларни китобхонликка ўргата олмаётгандирмиз? Ёки уларни ўзига торта оладиган асарларнинг камлиги сабаб бўлаётгандир бу ҳолга. Бизнингча, китоб ўқишни хоҳламайдиганлар ҳамма даврда ҳам бўлган. Китобга қизиқтиришнинг қандай серунум услублари бор? Оила, мактаб, кутубхонанинг бу борадаги ўрни кўнгилдагидек деб айта оламизми?

# ЎЗБЕКИСТОН ҚАҲРАМОНИ МИРУМАР АСАДОВ



Ўзбекистон миллий ҳунармандчилик соҳаси оғир жудоликка учради. Моҳир таъмирчи уста, Ўзбекистон Қаҳрамони Мирумар Асадов 83 ёшида вафот этди.

Мирумар Асадов 1927 йили Самарқанд шаҳрида туғилди. Самарқанд ёдгорликларни таъмирлаш билим юртида таҳсил олганидан сўнг, дастлаб машҳур ганжкор Уста Ширин Муродов раҳбарлигида тарихий меъморий обидаларни таъмирлаш ишларида иштирок этиб, тажриба ва маҳорат сирларини эгаллади. Кейинчалик Тошкент шаҳридаги Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат академик Катта театри биносини, бошқа тарихий-маданий иншоотларни шарқона усулда безаш ишларида фаол қатнашди ва эл-юртимизга қўли гул уста сифатида танилди.

М.Асадов, айниқса, мамлакатимиздаги қадимий обидаларни, жумладан, Самарқанд шаҳридаги Мирзо Улуғбек ва Тиллакори мадрасалари, Амир Темур мақбараси, Бибихоним масжиди, Бухородаги Мир Араб мадрасаси, Баҳоуддин Нақшбанд мажмуаси каби қадимий ёдгорликларни юксак маҳорат билан таъмирлаб, уларнинг бетакрор қиёфасини тиклашга муносиб ҳисса қўшди.

Тажрибали уста ўзининг 50 йилдан зиёд давом этган меҳнат фаолияти мобайнида ўнлаб иқтидорли шогирдлар тайёрлаб, тарихий обидаларни таъмирлашдек алоҳида истеъдод ва маҳоратни талаб қиладиган мураккаб соҳани малакали кадрлар билан таъминлаш борасида ҳам ибрат намунасини кўрсатди.

М.Асадовнинг кўп йиллик самарали меҳнати давлатимиз томонидан муносиб баҳоланди. У Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофоти ва «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони билан тақдирланган эди.

Моҳир таъмирчи уста, камтарин инсон, ёшларнинг меҳрибон устози М.Асадовнинг хотираси қалбимизда ҳамиша сақланиб қолади.

**И.Каримов, И.Собиров, Д.Тошмуҳамедова, Ш.Мирзиёев, Х.Султонов, А.Арипов, А.Жабборов, А.Абдуллаев**

# Жўйдамда коллеж қурилаяпти

**Фарғона шаҳрининг Жўйдам маҳалласида 435 ўринга мўлжалланган янги коллеж биноси бунёд этилаяпти. Қурилишни «Жўйдам темирчи» масъулияти чекланган жамияти қурувчилари амалга оширмоқда.**

Бунёдкорлик ишларига 2 миллиард 850 миллион сўм маблағ сарфланиши режалаштирилган. Нефт ва газ саноати бўйича 6 та йўналишда мутахассис тайёрланадиган мазкур маскан турли ихтисослаштирилган фан хоналари, лаборатория, спорт зали, 50 ўринли ётоқхона, устахоналар, ўйингоҳ, ошхонадан иборат бўлади. Қурувчилар жамоасининг Камолиддин Полвонов бошлиқ ғишт терувчилари, Шокир Нурматов етакчи бетон қуювчилар, Азизбек Абдужалилов раҳбарлигидаги сувоқчилар гуруҳи меҳнат қилмоқда. Ўқув даргоҳини янги йил арафасида фойдаланишга топшириш мўлжалланмоқда.

**Муҳаммаджон МАҲМУДОВ**



***Қашқадарё вилоятидаги Янги Хонобод, Оқ гузар, Юксалиш, Чармгар, Қор кўмди каби ўндан ортиқ қишлоқларда намунавий лойиҳа асосида қад ростлаган юзта шинам уй ўз эгаларига топширилди.***

***Жорий йил охирига қадар воҳа туманларида яна 735 оила замонавий уйларга кўчиб ўтади.***

**Суратда:** Чармгар қишлоғида қурилиш ишларини олиб бораётган илғор қурувчилар (ўнгдан) Фахриддин Бобоев, Дўстёр Давлатов ва Бади Ашуров.

**Шомурод ШАРОПОВ (ЎзА) олган сурат**

***Ўзбекистон Давлат консерваториясида Тошкент шаҳар хотин-қизлар қўмитаси ва «Олима аёллар» уюшмаси томонидан ўтказилган «Илм юлдузлари» кўрик-танловининг шаҳар босқичида 18 та олий ўқув юртидан илмий-тадқиқот ишлари билан шуғулланувчи фаол хотин-қизлар иштирок этишди.***

# «Илм юлдузлари»

Жумладан, тадбир иштирокчиларининг ватанимиз тарихи, миллий урф-одат ва маданиятимиз, қадимий обидаларимиз ҳақида хитой, араб, ҳинд, инглиз, француз ва рус тиллардаги ҳикоялари барчани қойил қолдирди.

Унда Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети илмий тадқиқотчиси Марғуба Сиддиқова биринчи, ЎзМУ аспиранти Дилором Дўстмуҳаммедова иккинчи ва ЎзДЖТУ француз филологияси факултети тадқиқотчиси Зарина Ҳасанова учинчи ўринга сазовор бўлди. Иштирокчилар Тошкент шаҳар хотин-қизлар қўмитасининг фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

**Лобар ХАЙРУЛЛАЕВА,**
**Ўзбекистон Давлат санъат институти талабаси**

# Олдини олган афзал

***Ҳозир айрим қўшни мамлакатларда полиомиелит касаллиги қайд қилинганлиги унинг юртимизга кириб келиш хавфини туғдирмоқда. Полимиелит — болалар шоли, инсон асаб тизимини шикастлантирувчи вирусли юқумли хасталик бўлиб, ҳаракатлар бузилиши, фалаж, ҳатто ўлимга олиб келади. У билан касалланишга асосан 7 ёшгача бўлганлар мойил бўлса-да, барча ёшдагилар ушбу хасталикка чалиниши мумкин.***

«Полиовирус» организмга оғиз орқали, яъни бир одамдан бошқасига зарарланган овқат, сув ҳамда нафас йўли орқали юқади ва ичакларда кўпайиб, асаб тизимига шикаст етказади.

«Полиомиелит» вакцинаси ёрдамида ушбу касалликнинг олдини олиш мумкин. Вакцина бутун умр давомида вирусдан ҳимоя қилувчи асосий хавфсиз ва самарали восита ҳисобланади.

Янги туғилган чақалоқдан бошлаб 15 ёшгача бўлган ҳар бир бола 20-30 октябр — Миллий эмлаш кунларида касалликка қарши эмланиши назарда тутилган. Олдин полиомиелетга қарши вакцина олганлигидан қатъи назар эмланиши талаб этилади.

Поликлиникамиз ходимлари ҳам ушбу тадбирга пухта тайёргарлик кўриб, 3 та боғча тарбияланувчилари, 17- ва 5-мактаблар, дизайн коллежида таълим олувчи, вақтинча меҳмонга келган болаларни рўйхатга олиб, тушунтириш ишлари ўтказди. 7-бригада эмлаш пунктларига вакциналар тайёрланди. Вакцинаторлар томонидан ҳар бир бола оғзига 2 томчи вакцина томизилиб, 5 кун мобайнида тиббий ходимлар назоратида бўлмоқда. Дастлабки икки кун ичидаёқ режа бўйича 90 фоиз, яъни 3500 нафар бола эмланиб, уларнинг биронтасида асоратлар кузатилмади.

**Гулмира ҚОСИМОВА,**
**Юнусобод туманидаги 53-оилавий поликлиника бош шифокори**

# Кредит ҳисобига

**Давлат тижорат «Халқ банки» Хўжаобод филиали томонидан жорий йилнинг ўтган даври мобайнида 36 та тадбиркорлик субъектларига 388 млн. сўмлик узоқ муддатли кредитлар ажратилди.**

Хўжаобод шаҳарчасида янги ташкил этилган «Бобур замини туҳфаси» трикотаж цехига 6 млн. сўм, «Хўжаобод-Р-Текс» масъулияти чекланган жамиятига эса 52 млн. сўмдан зиёд маблағ кредитга берилди. Натижада, ушбу корхоналарда ишлаб чиқариш ҳажми ортиб, янги иш ўринлари вужудга келди.

Қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Оқбура Гипс» хусусий корхонасига ҳам 16 млн. сўмлик кредит берилган эди. Натижада, кредит эвазига 20 нафар маҳаллий ёшлар доимий иш ўрнига эга бўлди.

**Абдулҳай ЮНУСОВ,**
**«Ishonch» мухбири**

## Жиззахдан дараклар

### Интерактив хизмат

**Интерактив хизмат солиқ идорасига солиқ тўлови ҳисоботини электрон усулда жўнатиш ва электрон имзога эга эканлиги билан аҳамиятлидир.**

— Ҳисобот электрон кўринишида топширилганда арифметик хатоларга йўл қўйилмайди, — дейди Зомин туман ДСИ раҳбари М.Аширматов. — Уни куннинг исталган пайтида солиқ идорасига бормасдан узатиш мумкин.

Зомин туманида йилнинг учинчи чорагида юридик шахслар солиқ ҳисоботларини электрон кўринишида узатиши 383 тани ташкил этди. Бу мўлжалдагидан анча кўп.

### «Жиззах» фотоалбоми

**«Ўзбекистон» нашриётида «Жиззах» деб номланган фотоалбом босмадан чиқди. Унда вилоят ўтмиши, мустақиллик йилларида қўлга киритилган ютуқлар, бой табиати ўзбек, рус ва инглиз тилида ҳикоя қилинади.**

Фотоалбом билан танишар экансиз, кўплаб янги маълумот, топилма ва мулоҳазаларга гувоҳ бўласиз. Айниқса, «Джизакская правда» газетаси фотомухбири Б.Қудратовнинг жозибали суратлари кишида катта таассурот қолдиради.

### Иқтидорлилар қатнашди

**Андижон шаҳрида ўтказилган «Ёш мақомчилар» кўрик-танлови янги овозларни кашф этди. Унда мамлакатимиздаги ижодиёт саройлари, марказлар мақомчилар дасталаридан сараланган иқтидорли ёшлар қатнашди.**

Жиззах туманидаги 1-ўқувчилар ижодиёт маркази иштирокчиси Умиджон Муродов мазкур танловда 1-ўринни эгаллаб, диплом ва қимматбаҳо совға билан қайтди.

### Янги иш ўринлари

***Жорий йилнинг тўққиз ойида вилоят бўйича 34422 та янги иш ўрни яратилди.***

Вилоятда 2011 йилда иш ўринлари ташкил этиш, аҳоли бандлигини таъминлаш дастури лойиҳасига биноан 43315 та иш жойи яратилиши кўзда тутилган. Бунда тармоқларни модернизация қилиш, ишлаб чиқаришни технологик янгилаш, кичик корхоналар ташкил этиш, уй меҳнати ҳамда фермер хўжаликларини ривожлантириш ва инфратузилмаларни кенг тараққий эттириш муҳим ўрин тутади.

### Мева экспорти

**Вилоят боғбон ва соҳибкорлари жорий йилнинг ўтган даврида етиштирган 7500 тонна ҳўл, қуритилган, музлатилган меваларни экспорт қилувчи корхоналар орқали хорижлик истеъмолчиларга етказиб берди. Бу ўтган йилдагига қараганда тўрт баробарга кўпдир.**

«Baxmal-Golden Apple» Ўзбекистон — Бирлашган Араб Амирлиги қўшма корхонаси, «Мевасабзавотсавдо» ҳамда «Матлуботсавдо» ҳудудий компаниялари таркибидаги «Фрутвитекс» Ўзбекистон — Буюк Британия қўшма корхонаси, «Агроғолиблар», «Самсон — Грос» масъулияти чекланган жамият каби корхоналарнинг хориждаги ҳамкорлари — Россия, Қозоғистон, Туркия сафига бу йилда Туркманистон, Хитой, Эрон, Афғонистон, Белорус, Ироқ, Полша каби давлатлар ҳам қўшилиб, экспорт кўлами янада кенгайди. Йил охиригача экспорт салоҳияти янада ортиши кутилмоқда.

**Абдуманноп АЗИМОВ,**
**«Ishonch» мухбири**



# Қушнинг икки қаноти

***Инсон — барча мавжудотлар ичида энг улуғ, энг мукаммал ҳилқат. Аммо уни бошқалардан ажратиб турадиган энг катта хусусияти — маънавиятидир. Бу тушунчага шу пайтга қадар кўплаб таърифу тавсиф берилган, уни турлича изоҳлашган. Бу борадаги фикрларнинг ҳар бирида маълум маънодаги ҳақиқат акс этади. Назаримда, энг тўғри, мукаммал ва ҳаққоний таърифни Юртбошимизнинг «Юксак маънавият — енгилмас куч» китобидан топиш мумкин: «Маънавият — инсонни руҳан покланиш, қалбан улғайишга чорлайдиган, одамнинг ички дунёси, иродасини бақувват, иймон-эътиқодини бутун қиладиган, виждонини уйғотадиган беқиёс куч, унинг барча қарашларининг мезонидир».***

***Мустақилликнинг илк йилларидан бошлаб, халқимиз турмуш фаровонлигини ошириш, юртимизнинг иқтисодий салоҳиятини юксалтириш баробарида аждодларимиздан мерос қадриятларни асраб-авайлаш, аҳолининг маънавий дунёқараши ва тафаккурини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.***

Юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар, аввало, инсон манфаатига хизмат қилаётир. Шунинг баробарида Президентимиз ташаббуси билан амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар замирида маънан комил инсонни тарбиялаш, камол топтириш ғояси ётади. Юртбошимиз таъбири билан айтганда, «инсонга хос орзу-интилишларни рўёбга чиқариш, унинг онгли ҳаёт кечириши учун зарур бўлган моддий ва маънавий оламни бамисоли парвоз қилаётган қушнинг икки қанотига қиёслаш мумкин».

Дарҳақиқат, инсон ҳаёти ана шу икки мустаҳкам пойдевор устига қурилган. Улар ҳар доим бир-бирини тўлдириб, тақозо этиб келади. Аввало, ҳар қандай инсон фаровонлик сари интилиб, ўз орзу-истакларини амалга ошириш йўлида тинимсиз изланиб яшайди. Бу — ҳаёт қонуни.

Аммо ҳаёт фақат шунданги на иборат эмас. Яшаш учун кураш, моддий эҳтиёжларни қондириш — ер юзидаги деярли барча жонзотларга хос хусусият. Фақат инсонда бу жиҳат бироз мураккаб, бироз силлиқланган кўринишда бўлади. Шарқ донишмандларидан бирининг фикрича, моддий эҳтиёжларни фақат маънавий камолот чўққисига эришиш йўлидагина қондириш ҳақиқий оқиллик нишонасидир. Моддий ва маънавий борлиқ тушунчаларини, бошқачароқ айтганда, инсоннинг жисми ва руҳи билан ҳам қиёслаш мумкин. Яъни, тириклик шу икки борлиқнинг ўзаро бирикувидан ташкил топади. Руҳнинг ўзи яхлит борлиқни ташкил эта олмаганидай руҳсиз бадан ҳам шунчаки лойдан бўлак нарса эмасдир.

Азалдан ота-боболаримиз ана шу ҳар икки тушунчани ёнма-ён қўйиб, такомиллаштириб келган. Керак бўлса, маънавиятни моддийликдан устун қўйишган. Айнан шундай қарашлар самараси ўлароқ, она заминимизда илм-маърифат, санъат, маданият, адабиёт, дин ва тасаввуф юксак даражада тараққий этган.

Буюк аждодларимизнинг маънавий даҳоси, бой ва бетакрор мероси бугунги кун илм-фан тараққиётининг тамал тоши бўлиб хизмат қилаётганини алоҳида эътироф этиш жоиздир.

Инсон саломатлиги, уни турли хасталиклардан асраш, унинг соғлом, тетик ва бардам ҳаёт кечиришига эришиш ҳамиша башариятнинг азалий орзуларидан бўлиб келган. Буюк ҳаким Абу Али ибн Синонинг тиббиёт тараққиётига қўшган ҳиссасини бугунги кунда ҳам дунё аҳли эътироф этиб келади. Асрлар мобайнида унинг «Тиб қонунлари» асари Ғарбу Шарқда минглаб, миллионлаб инсонларнинг шифо топиб, оёққа туришига хизмат қилиб келаётир.

Яна бир буюк бобокалонимиз Аҳмад ал-Фарғонийнинг ибратли ҳаёт йўли замонлар ўтса-да, ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ. Унинг беқиёс ихтироси — «Миқёс-ан-Нил», яъни нилометр Миср иқтисодиёти, қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилган.

Шунингдек, Абу Райҳон Беруний, Мирзо Улуғбек, Муҳаммад Мусо ал-Хоразмий ва бошқа кўплаб олиму фозилларимизнинг илм-фан ривожига қўшган бемисл ҳиссаси бугунги кунда ҳар биримизга чексиз ғурур, фахру ифтихор бахш этади. Бугун дунёнинг турли бурчакларида буюк аждодларимиз сиймосини ўзида мужассам этган ҳайкалларни учратамиз. Парижда Амир Темур, Қоҳирада ал-Фарғоний, Ригада Мирзо Улуғбек, Брюсселда ибн Сино, Токио, Москва, Боку шаҳарларида Навоий бобомизнинг ҳайкаллари савлат тўкиб турибди.

Шу мисолларнинг ўзиёқ халқимиз маънавиятининг нақадар буюклигидан, дунё тамаддунига қўшган ҳиссаси қанчалик юксак эканлигидан далолатдир.

Соҳибқирон Амир Темур ярим дунёни забт этгани барчамизга аён. Аммо у бошқа фотиҳлардан фарқли ўлароқ, юксак маънавият соҳиби эди. Саркарда бобомиз бутун дунёда адолат барқарорлиги учун қўлига қилич тутиб, от минган эди. Зотан унинг шиори асрлар ўтса-да, ўз аҳамиятини йўқотмай келаётир: «Куч – адолатда!»

Амир Темур ўз қўл остига олган юртларда адолат ўрнатди, илм-санъат ва адабиёт аҳлини ҳимоясига олди. Масжиду мадрасалар қурди, ободончилик, бунёдкорлик ишларига бош-қош бўлди.

Буюк мутафаккир Мир Алишер Навоийнинг ҳаёт йўли, ижоди ва фаолиятини бирров кўз ўнгимизга келтириб кўрайлик. Яхши биламиз: Ҳазрат Навоий ўзига тўқ, бадавлат оилада туғилган. Султон Ҳусайн Бойқаронинг энг яқин кишиси бўлган. Унинг бойлиги шу қадар кўп бўлганки, шоҳ молиявий жиҳатдан қийналиб қолганида Ҳазрат Навоийдан кўмак олиб тургани ҳақида маълумотлар бор.

Хўш, агар инсон ҳаёти фақат моддий фаровонлик устида қурилганида, ҳазрат Навоийни биз шу қадар буюк шахс, назм мулкининг султони сифатида билармидик? Шу қадар бетакрор, беназир асарларни яратишга у кишини нима мажбур этган? Ахир, асарлари орқали Навоий бирор моддий манфаат кўрмаган-ку!

Ҳа, бу ҳақиқат! Аммо ул зот ҳамиша маънавий бойликни моддийликдан устун тутиб келган. Ул зоти шарифнинг ғазаллари, гўзал ашъорларини ўқиган ҳар бир китобхон лиммо-лим ҳайратга, завқ-шавққа тўлади. Бундай шоҳ байтлар асрлар ўтса-да, ўз жозибаси, гўзаллигини йўқотмайди, аксинча, тобора тансиқлик, нодирлик касб этиб бораверади.

Мирзо Бобур, Зебунисо, Нодирабегим сингари шоҳлару маликаларнинг адабиётга, санъатга меҳр қўйиши ҳам инсон қалбининг маънавиятга ошнолиги намунаси эмасми? Ахир уларнинг ҳаётидаги моддий фаровонлик аъло даражада эмасмиди?

Дейлик, Мирзо Улуғбек илми нужум билан шуғулланмаслиги, илм-фанга мутлақо қизиқмаслиги ҳам мумкин эди-ку? Илм-маърифат учун ажратилган маблағни бошқа тождорлар сингари қурол-аслаҳа, жангу жадал, айш-ишратга ҳам сарф этиши мумкин эди ва бундан ул зотни ҳеч ким қайтара олмасди. Аммо Мирзо Улуғбекнинг маънавий олами уни шу қадар кўкларга кўтарди. У ўз қизиқишлари билан бирга осмон илмини ўрганишда катта мактаб яратди. Навоий таъриф берганларидек:

**Қиёматга деганча аҳли айём,**
**Ёзарлар онинг аҳкомидин аҳком...**

Шу боис, тарих буюк алломага асрлар бўйи таҳсин ўқийди, унинг қотилларини эса тоабад таҳқирлаб келади.

Ҳа, тарихда моддий жиҳатдан камчилик кўрмасдан, ўз умрини маънавий хазиналар яратишга қаратган буюклар кўп. Шу билан бирга қашшоқликда кун кечириб, маънавий оламнинг юксак чўққиларига кўтарилган инсонлар ҳам кўп бу оламда.

Тарихдан маълумки, Абулқосим Фирдавсий ўттиз беш йиллик меҳнати самараси бўлган «Шоҳнома» учун Маҳмуд Ғазнавий томонидан берилган олтмиш минг дирҳам пулни фақиру мискинларга бўлиб берган. Форс шеъриятининг етук намояндаси Ҳофиз Шерозий шеърлари билан етти иқлимга довруғ солган эса-да, бутун умр камтарона ҳаёт кечиргани маълум. У Ҳақнинг ёди, қалб мулкини бойликдан устун билган.

Озарбайжон шоири Муҳаммад Фузулий тақдири ҳам Ҳофизникига ўхшаб кетади. Унинг маънавий мероси бутун туркий шеъриятнинг энг гўзал намуналари саналади.

Бобораҳим Машраб ҳам бир умр қаландарлик либоси, фақирлик кулоҳини ҳар қандай шоҳликдан устун қўйган. Муқимий новвойлик, хаттотлик билан умргузаронлик қилган... Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Бундай етук инсонлар, маънавий комилликка эришган сиймоларни нафақат Шарқда, балки Ғарбда ҳам кўплаб учратиш мумкин. Лев Толстой граф, Байрон лорд бўлса-да, уларнинг маънавий жиҳатдан аслзодалиги машҳур қилди. Бунинг акси ўлароқ, австриялик буюк бастакор Вольфганг Амадей Моцарт умр бўйи боши қарздан, қашшоқликдан чиқмай яшаган, Жек Лондон, О Генри сингари адиблар фақатгина арзимас қалам ҳақи ҳисобига кун кечирган.

Моддий қийинчиликлар бу улуғ зотларнинг иродасини буколмади. Аксинча улар мол-давлат, мансаб, обрў-эътиборга интилмади, ўлмас асарлар яратиб қолдирди. Топган-тутганлари эса фақат кундалик харажатлар, еб-ичиш учун аранг етарди, холос.

Ҳолбуки, ана шу машҳур, аммо фақир инсонлар билан замондош қанчадан-қанча бой-бадавлат инсонлар яшаб, ўтиб кетди. Уларнинг бирортасини ҳозир биламизми? Йўқ, на уларнинг молидан, на номидан нишона қолди. Аммо Моцарт яратган куйлар дунёнинг ҳар бир қитъасида, ҳар бир мамлакатида такрор ва такрор янграйверади. «Шоҳнома»ни келгуси авлодлар ҳам мардлик, қаҳрамонлик ва жасорат қиссалари сифатида мутолаа қилаверадилар. Ҳофиз, Фузулий, Муқимий ғазалларига басталанган қўшиқлар дилларни ўртайверади. Бу маънавий бойликнинг нақадар бетимсол ва безавол эканини кўрсатади.

Ана шу ҳақиқатни ҳар бир уйғоқ фикрли инсон чин қалбдан идрок этиши, ҳис қилиши лозим. Зеро, бугунги кунда ҳаётни фақатгина моддий фаровонликдангина иборат деб биладиган, фақат шунинг учунгина яшаб келаётган одамлар орамиздан истаганча топилади.

Данғиллама уй-жой, сўнгги русумдаги хориж машиналари, дабдабали турмушни ким ҳам орзу қилмайди, дейсиз? Бундай имкониятларни қўлга киритганлар, киритаётганлар кўп. Айнан ана шундай ҳаёт тарзинигина орзулаб яшайдиганлар ундан ҳам кўп. Аммо, қанийди, инсоннинг инсонийлиги фақат ана шу моддий тушунчалар билан ўлчаниб қўя қолса?

Барча қулайликларни, энг замонавий асбоб-ускуналар, рўзғор буюмларини ўзида жам этган, аммо биргина китоб жавони ва унда ҳеч курса беш-олтита ўқишли китоб бўлмаган хонадонни бой хонадон дейиш мумкинми? Қўли ҳамма жойга етадиган, аммо қалбида инсонийлик, бағрикенглик, меҳр, муҳаббат сингари тушунчалари йўқ кимсани бой дейиш мумкинми?

Албатта, бу билан моддий бойликнинг қийматини ерга уриш ниятида эмасмиз. Ҳар ҳолда халқимиз билиб айтади. «Бўш қоп тик турмас». Аммо, инсон фақат арзимас лаш-лушлар тўлғазиладиган қоп эмас. У чин маънода инсон бўлиши учун, энг аввало, МАЪНАВИЙ жиҳатдан тўкисликка, мукаммалликка эга бўлмоғи керак. Юртбошимиз таъбири билан айтганда, қуш бир қаноти билан уча олмаганидай, инсон ҳам бир қанот билан юксала олмайди...

**Рустам ЖАББОРОВ,**
**журналист**

## «Инсонга наф келтириш — олий бахт» республика танловига



# Касабақўмнинг бир куни

Хазонрезги. Барвақт турган Мирфозил одатига кўра бугун ҳам боғ кезди. Тушида ёшлигида бирга ўйнаб-ўсган дўстларини кўрибди. Шу боисми, 55 йилдан зиёд босиб ўтган кунлари бир-бир эсига тушаверди. Падари бузруквори Олимжон ака, онаси Обидахон ая кўз олдида намоён бўлди. Назарида сервсавлат отаси ток кесаётгандек, онаси ҳовлидаги хазонларни супураётгандек туюлаверди. «Эҳ, қандай ажойиб дамлар эди-я...», кўнглидан кечди.

Андижон давлат педагогика институтига ўқишга кирганида, онаси нечоғлик хурсанд бўлганди. Мактабга ўқитувчи бўлиб келганида эса гўё самони қучди. «Тупроқ олсанг, олтин бўлсин», — дея дуо қилди. Бу орада Мирфозил Маъбудахонга уйланиб, бахт нималигини ҳис этди. Йиллар беизн ўтаверди, эр-хотин беш ўғил-қизни оқ ювиб, оқ тараб оёққа қўйдилар. Уларнинг барчаси бугун ота-оналари сингари эл-юрт хизматига камарбаста.

Салоҳиятли педагог ўқувчиларга сабоқ бериб, асти кам бўлгани йўқ. Бошқа идораларда ҳам ишлаб ўзини кўрсатди. Жумладан, Асака туман халқ демократик партиясига сардорлик қилган йиллари одамлар билан ишлашни ўрганди. 1995 йили эса «GM O'zbekiston» ЁАЖга ишга ўтди. Меҳнатсеварлиги, камтарлиги ва одамохунлиги боис 1996 йилда ҳамкасблари юксак ишонч билдириб, уни корхона бошланғич касаба уюшма қўмитаси раиси этиб сайлашди.

Кенжатойи Нозимжоннинг:

— Дадажон, чойга келмайсизми? — деган овози хаёлларини пардек тўзғитиб юборди. Паҳлавон келбатли ўғлига боқиб суюнди. Шу лаҳзаларда қувонч ва шукроналик ҳисси борлиғини қамради...

Нонуштадан кейин ҳамма ўз ишига отланди. Мирфозил ташқарига чиқаркан, Носиржонга деди:

— Кетдикми, ўғлим?

— Ҳа, дадажон.

Адоқсиз ҳаётнинг яна бир куни бошланди... Маҳалладагилар уларга ҳавас билан қарайди. Рўзғорлари бут, тўрт мучалари соғ. Қариндош-уруғлари меҳр-оқибатли. Укаси Солижон у каби шу корхонада меҳнат қилади. Ўғиллари Нодирбек ва Носирбек ҳам шу ерда. Қизи Мавлуда шифокор бўлса, Маҳлиё онасининг издоши — болалар боғчасида ишлайди. Етти нафар набира бобо-буви атрофида парвона.

Олимовлар тушган автоулов сўлим Андижоннинг кенг, равон кўчалари бўйлаб елдек учади. Кўркам, маҳобатли қилиб қурилаётган янги замонавий иморатлар кўчанинг икки томонида қўр тўкади.

— Шаҳримизни сўнгги йилларда таниб бўлмай қолди-я, дадажон, — дейди ён-атрофга суқланиб боқаркан Носирбек.

Ўғли бор гапни айтди. Андижон сўнгги йилларда жуда обод бўлди. Мисли кўрилмаган қурилишлар қилиниб, улуғвор гўшага айлантирилди.

Жамиятга етиб келишганида, қабулхонасида ўтирганларнинг кўплигини кўриб, Мирфозилнинг эсхонаси чиқди.

— Ие, узр, сизларни куттириб қўйибман-ку...

Хонасига кириб келган хипчиндек йигит билан шаҳло кўзли қизни дарҳол таниди. Ўтган кузакда уларнинг тўйлари бўлган эди.

— Келинглар, келинглар, ўзларингдан тиниб юрибсизларми, болаларим?!

Қиз ширин жилмайди. Йигит бироз тараддудланиб, кўнглидагини айтди:

— Бироз қўлимиз қисқалик қилиб турибди, банкдан истеъмол кредити олиб, кам-кўстимизни тўғрилаб олсак деган ниятда ёрдам сўраб келувдик. Агар иложи бўлса...

— Нега иложи бўлмасин, иложсиз нарсанинг ўзи йўқ. Қани, раҳбарлар билан маслаҳатлашиб кўрай-чи...

Ўша куни жуда чарчади. Бироқ бирор кишини ҳам ноумид қайтармади.

Неча йилдирки, аҳвол шу. Катта даргоҳнинг ташвишлари кўп. 6743 нафар касаба уюшма аъзосининг кўнглини олиш осон эмас. Чиқарилаётган автоуловларга талаб кун сайин ортиб бораяпти. Меҳнат аҳлининг заҳматкаш қўли, идроки ва саъй-ҳаракати ўлароқ жаҳон миқёсида маҳсулот ишлаб чиқарилишига эришилаётир. Шунинг учун ҳам корхона раҳбарияти ва бошланғич касаба уюшма қўмитаси ҳамкорликда мавжуд жамоа шартномасига биноан хайрли ишларга қўл ураяпти. Бу ерда ишлаётганларга ҳар жиҳатдан қулай шарт-шароит яратилган. Ойлик маош ўз вақтида бериб турилибди. Меҳнат муҳофазасига қатъий риоя қилинаётир. Ишчи-ходимларнинг саломатлиги кун тартибидаги энг долзарб масалалардан саналади. Масалан, жорий йилнинг ўзида 193 нафардан зиёд хотин-қиз тиббий кўрикдан ўтказилди. 47 нафар бемор даволаниш учун вилоят шифохонасига ётқизилди. 285 нафар меҳнаткаш санаторий ва бошқа дам олиш масканларида саломатлигини тиклади. 54 нафар илғор ишчи-ходим Самарқанд, Бухоро, Тошкент шаҳарларига бориб, кўнгилли саёҳат қилди. Ёзги дам олиш мавсумида корхона ишчи-ходимлари ва асакалик кам таъминланган оила фарзандларидан жами 698 нафар ўғил-қиз сўлим оромгоҳларда ҳордиқ чиқарди.

Шунингдек, ёш ишчи-ходимларга катта эътибор қаратилмоқда. Шу мақсадда ташкил этилган «Ёшлар кенгаши»нинг фаолияти намунали бўлаяпти. Жумладан, улар ташаббуси билан ўтказилаётган «Касбим — фахрим» кўрик-танловининг самараси чакки эмас. Бу иш учун касаба уюшма қўмитаси бюджетидан 920 минг сўм миқдорида маблағ сарфланди.

Бу ерда ўтказилаётган байрам тантаналарига қўшни ташкилот ходимлари ҳам ихлосманд. Улуғ айём кунлари ташкил этилаётган тадбирлар ишчи-ходимлар ҳаётига қувонч бағишлаб, завқ-шавқ улашяпти. Мисол учун, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Гулсанам Мамазоитова иштирокидаги концертни томоша қилганлар анча вақт қувониб юришди. Янгидан қад кўтарган «София» тантаналар саройидаги базм корхонада ишлайдиган барча хотин-қиз, 31 нафар байналмилалчи жангчи ва Чернобил АЭС ҳалокати қатнашчиларида катта таассурот қолдирди. «Наврўз» байрами арафасида 21 нафар фаол ишчи-ходим касаба уюшма қўмитаси томонидан муносиб тақдирланди. 51 нафар марҳумнинг оиласига 228,6 минг сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари тўплами тарқатилди. Худди шунингдек, Асака шаҳрида яшайдиган кам таъминланган оилалар ва кўрлар жамиятига ҳам ҳиммат кўрсатилди. 315 нафар оилавий шароити ночор ишчи-хизматчи 8 млн. 591 минг сўм миқдорида моддий ёрдам олди. Яна марҳум ишчи-ходимларнинг 75 нафар ҳамда кам таъминланган оилаларнинг ногирон 12 нафар фарзандига ўқув қуроллари олиб берилди.

Спортга ҳам кун сайин эътибор ортиб бораётир. Турли турнирлар ва мусобақаларда иштирок этувчилар анча кўпайди. Ўтган ойлар мобайнида спорт ишлари учун 15731,2 минг сўм миқдорида маблағ сарфланди. Ёш оилаларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида «Асакабанк»нинг Асака шаҳри бўлимидан истеъмол кредити олиш йўлга қўйилди. Хусусан, ўтган тўққиз ой мобайнида корхонанинг жами 267 нафар навқирон ишчи-хизматчисига 406554,2 минг сўм миқдорида истеъмол кредити олишга кўмаклашилди.

**Шарофат НОРҚУЛОВА,**
**«Ishonch» мухбири**

# Ўз ўрнида

***Ражаб аканинг куйиб-пишиб юрганини кўп кўрганмиз. Айниқса, ҳудуддаги паррандачилик фабрикалари ходимларини ўз сафига қўшиб олгунча озмунча тер тўкмади. Аслида, юмшоққина ўриндиқда пинак бузмай ўтириши ҳам мумкин эди. Бироқ бу одат унинг феълига хос эмас.***

Бир қатор нуфузли ташкилотлар Ражаб акадек тажрибали ҳисобчини ўз сафида кўришни истагани ҳам сир эмас. Аммо у барча таклифларни рад этиб келди. «Менинг ўрним касаба уюшмада, бу даргоҳ менга оз эмас, кўп эмас, нақд ўттиз беш йиллик қадрдон», дея ғурурланиб юради.

— Камтарин инсон, ўз касбининг устаси. Қолаверса, бутун Самарқанд туман ёшу қариси феъл-атворини жуда яхши билади, — дея изоҳ беради агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Самарқанд вилоят кенгаши раиси ўринбосари Садриддин Аслиддинов. — Ахир у умрининг шунча йилини битта ташкилотда — касаба уюшмасида ўтказди.

Ражаб Шариповни яхши биладиганлар ташвиши йўқ одам дейди. Ташвиши бўлганда ҳам касаба уюшма ғамини ейди. Икки йилдирки, ҳудудда жамоат ташкилоти таркибини кенгайтириш, аъзолар сонини оширишга муносиб улуш қўшяпти. Касаба уюшма тармоғи, фаолият қамровини кенгайтириш пайида бўлади. Самарқанд туманида мутлоқ янгиланган, янги шароитда ишлай оладиган бошланғичлар тузилди. Касаба уюшма бугун мулкдорлар, янгича фикрлайдиган иш берувчилар билан фаолият юритмоқда. Табиийки, бу шароитда ташаббус жамоат ташкилотида бўлмоғи шарт. Ҳудудда ана шундай кучли таркиб қарор топишида Ражаб Шариповнинг хизматлари оз эмас.

Мамлакатимиздаги иқтисодий барқарорлик кичик ва ўрта бизнес субъектлари ривожи учун яратилган мўътадил муҳит соҳа ривожига шароит яратмоқда. Самарқанд туманида ҳам янгидан дунё юзини кўраётган ташкилотлар сони кўпаймоқда. Ўтган йили 5 та, бу йил эса 7 та ана шундай ташкилот билан ҳамкорлик ришталари боғланди.

— Касаба уюшманинг бош мақсади ходимлар ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ҳимоясини таъминлашдан иборат, — дейди агросаноат мажмуи ходимлари Самарқанд туман кенгаши бош ҳисобчиси Ражаб Шарипов. — Биз эса ҳар бир ишловчига елкадош бўлишимиз, муносиб меҳнат шароити яратиб бера олишимиз лозим. Ўтган йили янги очилган ташкилотлардан 70 нафар, бу йил эса 120 нафар меҳнаткашни сафимизга олдик. Ҳудуддаги барча меҳнат тури билан шуғулланувчилар эътиборимизда.

Ишонч — инсонга қанот дейишади. Жамоат ташкилотида Ражаб Шариповнинг ўзига хос ўрни бор. Мана, иккинчи муддат у вилоят кенгаши назорат-тафтиш комиссияси раислигига сайланди. Бу ишонч Ражаб акани янада баракали ишлашга, ҳаловатдан кечишга ундайди. Кўп йиллик тажриба, касаба уюшмадаги тобланган маҳорат ҳар лаҳзада қўл келяпти.

— Ҳеч маҳал моддий манфаат ортидан қувмаганман, — дейди Ражаб Шарипов. — Аммо доимо инсонларга кераклигингни ҳис қилиш, уларга озгина бўлса-да, фойданг тегиши ҳар қандай манфаатдан устун. Ана шу ғояларга таянган одамгина ҳақиқий жамоатчи бўла олади, эл таҳсинига эришади.

**Собиржоҳ ЖАББОРОВ,**
**Самарқанд вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашининг бўлим мудири**

# «Ижодкор, бунёдкор, ихтирочи ва ташаббускор авлод — тараққиётимиз таянчи» танловига

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг республикамизда чет давлатлар билан ҳамкорликда целлюлоза ва целлюлозали бирикмаларни ишлаб чиқаришга мўлжалланган бир нечта қўшма корхона ишга туширилди. Уларда ишлатиладиган кимёвий ёрдамчи моддалар эса чет элдан харид қилинади.

## Целлюлоза ва қоғоз технологияси



Мазкур технологияда ишлатиладиган кимёвий моддаларнинг аҳамиятини ўрганиш йўналишида илмий иш олиб бораётган ёшларимиздан бири техника фанлари номзоди Абдумуталиб Отахоновдир. Унинг изланиши кимёвий ёрдамчиларни маҳаллий хомашёдан олиб, чет элдан келтириладиган реагентларнинг ўрнига алмаштиришга қаратилган. Абдумуталиб 1999 йилда Тошкент Давлат университети (ҳозирги ЎзМУ)нинг кимё факултети бакалавриати, 2001 йили «Юқори молекуляр бирикмалар кимёси» мутахассислиги бўйича магистратурани тамомлади. Шу йил Фанлар Академияси Полимерлар кимёси ва физикаси институти «Целлюлоза ва унинг ҳосилалари кимёси ва технологияси» лабораториясининг аспирантурасига ўқишга кирди.

Целлюлоза технологияси бўйича фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг айрим муаммоларини ҳал этишда муҳим натижаларга эришишни мақсад қилган А.Отахонов 2005 йилда «Водород пероксидининг янги барқарорлаштирувчилари иштирокида пахта целлюлозасини олиш» мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди. Олиб борилган илмий изланиш натижасида водород пероксиднинг янги барқарорлаштирувчилари яратилди, уларни олиш технологияси ишлаб чиқилди. Олинган маҳсулотларга меъёрий-техник ҳужжат ишлаб чиқилиб, тегишли ташкилотларда рўйхатга олинди. Саноат миқёсида текширувдан ўтказилди ва қўлланиши мумкинлиги, чет эл реагентларига рақобатбардошлиги исботланди.



Қаҳрамонимиз томонидан қилинган илмий янгилик амалиётда ўз ўрнини топди. Хусусан, институт қошидаги технологик лабораторияда водород пероксиди барқарорлаштирувчисини олиш технологияси йўлга қўйилди. Баъзи корхоналарда қўлланаётган хориждан келтирилган водород пероксидининг барқарорлаштирувчиларини янги маҳсулотга алмаштириш ҳисобига иқтисодий самарадорликнинг ошишига эришилди.

Абдумуталиб «Медикот» ҚК, «Хива» ЧЭК, «Ўзфармсаноат» ДАК, «Ўзмедкоттон» ҚК ва «Ўзкимёсаноат» ассоциацияси, Фарғона «Азот» ва «Фуран бирикмалари кимё заводи» ОАЖ ҳамда «Ўзбек қоғози» томонидан Янгийўл целлюлоза-қоғоз фабрикасида ўтказилган тажриба алмашинувларда яхши мутахассис сифатида ўзини кўрсата олди.

У жамоат ишларида фаол қатнашади. Институтнинг Ёш олимлар кенгаши раиси ҳамда Илмий кенгаш аъзоси ҳамдир.

Илмий ютуқлари 60 тадан ортиқ хориж ва республикамизнинг илмий журнал ҳамда тўпламларида чоп этилган. Кўпгина илмий анжуманларда иштирок этган ва совринли ўринларга эга бўлган Абдумуталиб 2006 йилда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши томонидан «Ўзбекистон белгиси» кўкрак нишони билан тақдирланди.

Ҳозирги кунда у Полимерлар кимёси ва физикаси институти технологик лабораторияси мудири лавозимида фаолият юритмоқда.

**Абдулатиф АБДУЛЛАЕВ,**
**«Ishonch» мухбири**

## Таржимон — педагог



***Алишернинг адабиётга меҳри бўлакча. Яхши асар дарагини эшитиб қолса, албатта топиб ўқийди ва бошқаларга ҳам тавсия этади.***

***У 1986 йил Тошкент шаҳрида хизматчи оиласида туғилди. Отасининг вафотидан сўнг машаққатли кунлар бошланди. Ўша вақтларни эсласа, шубҳасиз, онасидан бениҳоя миннатдор бўлади:***

— Онам синглим ва мени бировдан кам қилмай тарбиялашга ҳаракат қилди. Билимли, интилувчан ва ҳалол бўлишга ўргатди.

Инсоннинг қайсидир касб-ҳунарга қизиқиши кўп жиҳатдан муҳит (оила, мактаб, маҳалла)га боғлиқ. Оилада шаклланган эркин муҳит боланинг қизиқишларини эртароқ белгилашга, шу йўлда изланишга сабаб бўлади. Алишернинг оиласида ана шундай шароит мавжуд эди. Бундан ташқари, мактабда таълим-тарбия берган устозларининг меҳнати ўлароқ, тилшунослик ва адабиётга қизиқиш уйғонди. Шу сабаб у меҳридарё муаллимлари Қўйсиной Исматова ва Саодат Сафаралиевадан жуда миннатдор. Уларнинг ўгитлари кейинчалик қаҳрамонимиз ҳаётида маёқ вазифасини ўтади.




* * *

Алишер билан илк бор Ўзбекистон Миллий университетининг ўзбек филологияси факултети қошида фаолият олиб бораётган «Ҳилол» тўгараги машғулотларида танишиб қолганмиз. Тўгаракда истеъдодли талабалар тенгдошларининг ижод намуналарини таҳлил қилишар, турли адабий баҳс ва машҳур ижодкорлар билан учрашувлар ўтказилиб турилари. Шундай адабий муҳитда чархланган Алишер таржимонликка меҳр қўйди.

— 2004 йил ЎзМУнинг ўзбек филологияси факултетига ўқишга қабул қилиндим. Бутунлай ўзгача дунёга тушиб қолгандим, гўё. Профессор-ўқитувчилар Узоқ Жўрақулов, Абдумурод Тиловов, Баҳодир Каримов, Қозоқбой Йўлдошев, Ёрмат Тожиев, Ҳамидулла Болтабоев, Ҳамидулла Дадабоев, Насимхон Раҳмонов, Абдуғафур Расулов, Омонулла Мадаев, Абдулла Улуғов, Адҳамбек Алимбеков каби устозларим фан сирларини чуқур ўрганишимга сабабчи бўлишди.

Жаҳон адабиёти дурдоналарини ўқир экан, уларни она тилимизга ўгирган таржимонлар — Мирзакалон Исмоилий, Иброҳим Ғафуров, Низом Комилов, Миразиз Аъзам, Тоҳир Қаҳҳорга ҳавас қилар, ҳурмати ошарди. Шу билан бирга, тил халқлар ўртасида маданият алмашинувининг муҳим омили эканини англади. Тил ўрганиш орқали жаҳон адабиётини халқимизга, ўзбек адабиётини жаҳонга танитиш иштиёқи қалбида туғён ура бошлади. Филология фанлари номзоди Абдумурод Тиловов ёрдамида турк тилини ўрганишга муваффақ бўлди. Шундай қилиб, талабалик давридаёқ таржимонлик фаолиятини бошлади.

Шу кунга қадар Ўроз Яғмурнинг «Тегирмон тоши», Элчин Искандарзоданинг «Дунёнинг эшиги», Сафо Сайгилининг «Овқатланиш психологияси» номли китобларини ўқувчилар ҳукмига ҳавола этди.

Элчин Искандарзода ва Ойша Турол ижодидан қилинган таржималари «Жаҳон адабиёти» ҳамда «Шарқ юлдузи» журналларида чоп этилди.

Ватандошимиз, истеъдодли шоира Хосият Рустамова қаламига мансуб туркум шеърлар эса Алишернинг меҳнати эвазига турк тилида янграй бошлади. «Эртаси йўқ кунлар» (Yarinsiz gunler) номи билан китоб ҳолида нашр қилинди. Озарбайжоннинг «Bayatə» номли санъат журнали саҳифаларида шоиранинг асарлари эълон қилинди. Алишер асар моҳиятини, оҳангини сақлаб қолиш, ижодкор мақсадини ўқувчига айнан етказишга ҳаракат қилади.

* * *

Ахборот алмашинувининг тез ривожланиши илм-фаннинг турли тармоқларига сезиларли таъсир ўтказмоқда. Шу боис улғайиб келаётган авлодни ақлий, маънавий, руҳий жиҳатдан тарбиялашни замон билан ҳамнафас ҳолда олиб бориш ҳозирги куннинг долзарб масаласига айланди. Бу жараёнда ўқитувчиларнинг ўрни ниҳоятда муҳим. Жумладан, янги педагогик технологияларнинг машғулотларга жорий қилиниши ўқувчининг илмга нисбатан иштиёқи ортишига, дарсни осонлик билан ўзлаштиришига замин яратади. Буни чуқур англаган Алишер 2008 йилдан Собир Раҳимов тиббиёт коллежида фаолият олиб бормоқда.

— Ўқувчиларга билим бериш, саводхонлигини ошириб бориш, нутқий маданиятини ривожлантириш, уларда китобхонлик кўникмасини шакллантиришда устозлар ўгити дастуриламал вазифасини ўтамоқда. Мураккаб даврнинг шиддатли жараёни таълим-тарбияда алоҳида масъулият талаб этади. Бу ишда самарали натижага эришиш асосий мақсадимдир, — дейди Алишер.

**Акмал ТОШЕВ,**
**«Ishonch» мухбири**

## Сўраган экансиз

Ҳуқуқий ҳимоя



***Сурхондарё вилоят давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси вакиллигига Денов туман Хайробод посёлкасида жойлашган ҳарбий қисм ходими З.Норматова ариза билан мурожаат этиб, меҳнат шартномаси ноқонуний равишда бекор қилинганлигини билдирган.***

***Мурожаат юзасидан текшириш олиб борилиб, қуйидагилар аниқланди:***

# Лавозимига тикланди

З.Норматова 2005 йил 3 сентябрдан ҳарбий қисм озиқ-овқат хизматида ҳисобчи бўлиб ишлаб келган. Қисм командирининг 2010 йил 14 апрелдаги 258-буйруғи асосида З.Норматовага «ҳайфсан» интизомий жазоси қўлланилган.

Қисм командирининг 2010 йил 30 апрелдаги 286-буйруғи билан 2007-2009 йил мобайнида ҳарбий хизматчилардан йиғилиши лозим бўлган 976 минг 22 сўм маблағнинг белгиланганидан кўп ушланишига йўл қўйганлиги сабабли З.Норматовага «ҳайфсан» берилган.

Термиз ҳарбий прокурорининг 2010 йил 6 майдаги қарорига кўра, З.Норматова белгиланган нормадан кўп ҳисоб-китобга йўл қўйганлиги сабабли унга нисбатан интизомий жазо тайинлаш ҳақида иш қўзғатилган ва ижро учун қисм командирига юборилган.

Иш берувчи Термиз ҳарбий прокурорининг қарорини ҳарбий қисм хизматчилари шахсий таркиби билан ўтказилган умумий йиғилишида муҳокама қилган. 2010 йил 21 майдаги умумий йиғилиш натижасига кўра, З.Норматовани Меҳнат кодексининг 100-моддаси 2-қисми 3-4-бандлари билан ишдан бўшатишга қарор қилинган.

Қисм командирининг 2010 йил 26 майдаги 370-буйруғига кўра, иш берувчи 2010 йил 30 апрелдаги 286-буйруғининг олтинчи банди (З.Норматовага нисбатан тайинланган «ҳайфсан» интизомий жазоси)ни бекор қилиб, З.Норматова билан тузган меҳнат шартномасини МКнинг 100-моддаси 2-қисми 3-4-бандларига асосан бекор қилган.

Иш берувчи меҳнат шартномасини бекор қилишда бир қатор хатоликларга йўл қўйган: .

МКнинг 182-моддаси 4-бандида «Ҳар бир ножўя хатти-ҳаракат учун фақат битта интизомий жазо қўлланиши мумкин» деб кўрсатилган. Аммо иш берувчи З.Норматованинг содир этган ножўя ҳаракатининг оғир ёки енгиллигини, содир этилган вазиятни, хулқ-атворини инобатга олиб, «ҳайфсан» жазосини қўллаган. Термиз ҳарбий прокурорининг 2010 йил 6 майдаги қарорига асосан айнан З.Норматова томонидан содир этилган ҳаракатлар учун интизомий жазо қўлланган. Ваҳоланки, ушбу ҳаракатлар учун иш берувчи З.Норматовага «ҳайфсан» берган. Иш берувчи ушбу ҳолатни такрорий равишда муҳокама қилмасдан, Термиз ҳарбий прокурорига «З.Норматовага нисбатан «ҳайфсан» интизомий жазоси берилган» деб жавоб хати юбориши лозим эди. Аммо иш берувчи такрорий равишда З.Норматованинг хатти-ҳаракатларини жамоа йиғилишида муҳокама этиб, берилган «ҳайфсан» жазоси ҳамда меҳнат шартномасини бекор қилган.

Иш берувчи З.Норматованинг юқорида қайд этилган ҳаракатини МКнинг 100-моддаси 2-қисми 3-4-бандлари билан нотўғри баҳолаган. МКнинг 100-моддаси 2-қисми 4-бандида «Ходим билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилишга олиб келиши мумкин бўлган меҳнат вазифаларини бир марта қўпол равишда бузишларнинг рўйхати ички меҳнат тартиб қоидалари, ... билан белгиланади» деб кўрсатилган. Текшириш давомида ҳарбий қисмда Ички меҳнат тартиб қоидалари касаба уюшмаси қўмитаси билан келишилган ҳолда қабул қилинмаганлиги аниқланди. Яъни З.Норматованинг ушбу хатти-ҳаракатлари қисмнинг бирон локал ҳужжатида «меҳнат муносабатларининг бир маротаба қўпол равишда бузилиши» рўйхатида ўз аксини топмаган.

Иш берувчи меҳнат шартномасини МКнинг 100-моддаси 2-қисми 3-банди билан бекор қилган деб ҳисоблаганимизда ҳам, МКнинг қуйидаги талабларига риоя қилиши лозим эди.

1. Уч кун олдин З.Норматовани хабардор қилиши ёки шунга мутаносиб равишда компенсация тўлаши (МКнинг 102-моддаси 6-қисми).

2. Бошланғич касаба уюшма қўмитасининг розилиги олиниши. (МКнинг 101-моддаси 1-қисми, Мудофаа вазирлиги билан Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши ўртасида тузилган 2009-2011 йиллар учун мўлжалланган тармоқ келишувининг 2.2.4. банди).

3. Ҳарбий қисмнинг 2008 йил октябр ойида ўтказилган ҳисобот сайлов йиғилиши баёнига кўра, З.Норматова касаба уюшма қўмитаси аъзолигига сайланган.

2010 йил 13 мартдаги ҳисобот сайлов йиғилиши баёнига кўра, З.Норматова касаба уюшма қўмитаси тафтиш комиссияси аъзолигига сайланган. Вакиллик органига сайланган ходимга интизомий жазо беришда ва у билан тузилган меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилишда маҳаллий меҳнат органининг розилиги олиниши шарт эди (МКнинг 25-моддаси).

4. Меҳнат шартномаси бекор қилинган куни иш берувчи З.Норматовага меҳнат дафтарчасини ва ишдан бўшатиш ҳақидаги буйруқ нусхасини бериши шарт эди (МКнинг 108-моддаси).

Аммо иш берувчи З.Норматова билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилишда МКнинг 100-, 101-, 102-, 108- ва 25- моддалари талабларини бузганлиги сабабли, вакиллик томонидан ҳарбий қисм командири номига 2010 йил 26 майдаги 370-буйруғини бекор қилиб, З.Норматовани қисм озиқ-овқат хизмати ҳисобчиси вазифасига тиклаш ва 2010 йил 27 майдан бошлаб мажбурий бекор юрган вақтлари учун ойлик иш ҳақини тўлиқ тўлаб бериш ҳақида хат юборилди.

Вакиллик аралашуви билан З.Норматова лавозимига тикланди ва мажбурий бекор юрган вақтлари учун иш ҳақи ундириб берилди.

**Зариф ХОЛОВ,**
**Сурхондарё вилоят давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси вакиллигининг ҳуқуқий бўлим мудири**

# Меҳнат роҳатга айлансин

**(Давоми. Боши 125-сонда)**

**Баъзи касабақўм раислари иш берувчидан ҳайиқиб ходимни ҳимоя қилолмайди...**

Билиб қўйишсин, ходимларнинг вакиллик органлари раислари (аъзолари)га ўзларининг вакиллик фаолиятларини амалга оширишлари муносабати билан иш берувчи томонидан бирон-бир шаклда таъқиб қилишдан ҳимоя этилиши кафолатланади.

**Аввал раис бўлиб сайланган ходим навбатдаги касаба уюшмаси органига сайланмай қолса нима бўлади?**

Вакиллик органларидаги сайлаб қўйиладиган лавозимларга сайлангани муносабати билан ишлаб чиқаришдаги ишидан озод этилган ходимларга уларнинг ваколати тугаганидан кейин аввалги иши (лавозими) берилади, бундай иш (лавозим) мавжуд бўлмаса, аввалгисига тенг бошқа иш (лавозим) берилади.

**Жамоа шартномасининг жамоа келишувидан фарқи нимада?**

Жамоа шартномаси — корхонада иш берувчи билан ходимлар ўртасидаги меҳнатга оид, ижтимоий-иқтисодий ва касбга тегишли муносабатларни тартибга солувчи норматив ҳужжатдир.

Жамоа келишуви — муайян касб, тармоқ, ҳудуд ходимлари учун меҳнат шартлари, иш билан таъминлаш ва ижтимоий кафолатлар белгилаш борасидаги мажбуриятларни ўз ичига олувчи норматив ҳужжатдир.

**Жамоа шартномаси ёки келишувнинг амал қилиш муддати тугаса-чи?**

Аввалги жамоа шартномаси, келишувининг амал қилиш муддати тугашига қадар уч ой мобайнида ёки бу ҳужжатлар билан белгилаб қўйилган муддатда ҳар қайси тараф бошқа тарафга янги жамоа шартномасини, келишувини тузиш юзасидан музокаралар бошлаш тўғрисида ёзма хабар беришга ҳақлидир.

**Баъзан жамоа шартномаси лойиҳасини касабақўм тайёрлайди. Шу тўғрими?**

Йўқ. Музокаралар олиб бориш ва жамоа шартномаси, келишувининг лойиҳасини тайёрлаш учун тарафлар тенг ҳуқуқлилик асосида тегишли ваколатларга эга бўлган комиссия тузадилар.

**Жамоа шартномасининг бажарилиши қандай текширилиб борилади?**

Жамоа шартномасида назарда тутилган мажбуриятларнинг бажарилишини тарафларнинг вакиллари, меҳнат жамоаси, шунингдек, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг тегишли органлари текшириб борадилар. Жамоа шартномасини имзолаган шахслар ҳар йили ёки шартномада махсус кўрсатилган муддатларда мажбуриятларнинг бажарилиши ҳақида меҳнат жамоасининг умумий мажлисида (конференциясида) ҳисобот бериб турадилар.

**(Давоми бор).**

«Ishonch»га жавоб берадилар

# «Гуруч ичида курмак»

**2010 йил 21 сентябр, 116-сон**

Мақолада кўрсатилган камчиликлар юзасидан қатор чора-тадбирлар кўрилди. Жумладан, Учтепа тумани 10-сонли бошқармаси томонидан тумандаги 24-мавзеда жойлашган 18-, 20-, 22-уйлар орқасидан ўтган носоз ҳолга келган иссиқлик қувурлари таъмирланди. Ўралар ёпилиб, ер текисланди. Таъмирлаш ишларидан сўнг ҳудуд тозаланиб, бетон чиқиндилар олиб чиқиб кетилди. Ирригация лотокларига қувурлар ётқизилиб, усти ёпилди. Йўлаклар асфалтланди.

18-уйнинг ертўласи текширилганда, иссиқлик қувурларининг ҳолати қониқарли, ертўла қуруқлиги ва сув йўқлиги аниқланди.

**Ш.АЗИМЖОНОВ,**
**«Тошиссиққуввати» ИЧБ УК бош директори**

***Бўлим ходимлари томонидан ўтказилаётган тезкор тадбирлар натижасида ноқонуний равишда маҳсулот ишлаб чиқариб, ўз бошига ғавғо сотиб олаётганлар ҳам учраб турибди. Шундайлардан бири Сайдибакир Қораевдир.***

# Хуфёна иқтисодиётга қарши

У яширин тарзда қўлбола ёғ ишлаб чиқариш, сифатсиз маҳсулотларни савдога чиқариш билан шуғулланган. Шу ўринда айтиш кераки, қўлбола мойжувозларда ишлаб чиқарилган ёғ маҳсулотлари истеъмол учун хавфли. Улар инсон организми учун ўта зарарли ҳисобланади. Бироқ С.Қораев Оққўрғон тумани Толовул қишлоғидаги «Турсунали Абдурасул» фермер хўжалигига қарашли чорвачилик фермаси биносининг бир қисмига мойжувоз ускунасини ўрнатиб, ёғ ишлаб чиқаришни йўлга қўйган.

Бўлим ходимлари томонидан ўтказилган тадбирда яширин цехда пахта ёғи ишлаб чиқаришга мўлжаллаб қўйилган 2689 кг. чигит, 1400 кг. кунжара, иккита мойжувоз ускунаси, 840 кг. қўлбола ёғ маҳсулоти ва бошқа анжомлар далилий ашё тариқасида олинди.

Бундан ташқари, С. Қораев электр ва газ тармоқларига ўзбошимчалик билан уланиб, қўлбола ускуналарини ишлатганлиги оқибатида давлатга 4207021 сўм зарар етказганлиги аниқланди. У ишлаб чиқарган ёғ лаборатория текширувидан ўтказилганда, истеъмолга мутлақо яроқсиз эканлиги, инсон ҳаётига жиддий хавф солиши мумкинлиги тўғрисида хулоса олинди.

Жиноят ишлари бўйича Оққўрғон туман суди томонидан С.Қораевга нисбатан тегишли жазо белгиланди.

**Сатторали БОЛТАБОЕВ,**
**Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖЖДҚК Департаментининг Оққўрғон туман бўлими бошлиғи**

## Шогирд эҳтироми

**Ҳаётимнинг 20-йилида ҳарбий хизматни ўтаб, соғ-саломат уйга қайтдим. Аввалига меҳмондорчиликлар, кейин эса ўртоқлар орасидаги бекорчи ўйин-кулгилар билан қиш ҳам ўтаверди. Лекин битта ўй хаёлимни чулғаб олган эди:**
**— Қандай бўлмасин ўқишим керак. Бунинг учун эса имтиҳонларга жиддий тайёрланишим лозим!**
**Шу мақсадда қўшни маҳаллада яшовчи Руслан акадан таълим олишни ўз олдимга мақсад қилиб қўйдим...**

# Истеъдод соҳиби

Руслан Эргашев — 1965 йилда Қамаши тумани Гулистон қишлоғида зиёли оилада туғилган. Оилада тўнғич фарзанд.

Руслан аканинг ота-онаси зиёли бўлганлиги учун ҳам унда илму маърифатга кучли иштиёқ пайдо қила олган. Биринчи синфга борган ёш Руслан мактаб курсисида ўзи таниган ва билган маҳалла-кўй болалари билан эмас, аксинча, умуман нотаниш тенгдошлари билан ўтирди. Бу отаси томонидан танланган йўл эди.

Шу ерда савол туғилади: нима учун бундай йўл тутилган?

Биринчи сабаби шуки, бола вақт топдим дегунча кўчага чиқиб маҳалла болаларига қўшилиб кетмайди, яъни ўйинқароқ бўлиб ўсмайди. Иккинчидан, бегоналар қуршовига тушган бола ўзини ҳимоя қилишни ўрганади, тобланади.

Мухтасар айтганда, отаси Раҳмон ака Эргашев (Аллоҳ раҳмат қилсин) томонидан эзгу мақсадда қилинган амал кутилган натижани берди. Руслан ҳам маънан, ҳам жисмонан етук, дунёқараши ва тафаккури кенг инсон бўлиб етишди. Мактабни аъло баҳоларга тамомлади, номи қишлоғимизда жойлашган 42-мактаб тарихида «Энг аълочи ўқувчилар» рўйхатининг биринчи қаторидан жой олди.

Руслан ака йигитлик даврида жуда яхши курашга тушар эди. Қишлоқ одамларининг аксарияти унинг олишларига жуда қизиқиб қолишган ва ҳеч ким усиз биронта курашли тўйни ўтказиб юборгиси келмасди. Курашга тушиши билан, даврани қуршаб турганлар унинг ғолиб бўлишига хайрихоҳ бўларди. Ҳар гал рақибининг елкасини ерга теккизар экан, акробатик усулда чиройли қилиб «салто» ошар ва бу томошабин ҳаяжонини янада кучайтирарди.

* * *

Институтга кириш учун математикадан тайёрланишим лозим эди. Руслан акадан шу фан бўйича сабоқ беришини сўрадим. Ҳеч иккиланмай, машғулот ўтишга розилик билдирди. Ҳар сафар уйимизга келиб, дарс бериб кетарди. Бундан хижолат чекиб, Руслан акага шундай дейман:

— Сизни ҳам ноқулай аҳволга қўйдим. Бу хизматларингизни қандай қайтараман?



— Ҳеч ҳам ноқулайлиги йўқ, ўқишга киришингга сабабчи бўлсам, шунинг ўзи хизматларим учун катта мукофот бўлади, — жавоб қайтарарди у самимийлик билан.

Ҳар бир машғулотдан сўнг у кишини уйига кузатиб қўярканман, дарҳол уйга қайтиб ўрганганларимни мустаҳкамлаш мақсадида мисол ва масалалар устида қайта-қайта ишлайман. Руслан ака айтган ҳар бир гапни кундалигимга ёзиб бораман...

Кундалигимга ўша пайтларда ёзиб қўйганларим орасида у кишининг қуйидаги фикрларини ҳозир қайта-қайта ўқиб, бу фикрлар негизида қанчалик теран маъно борлигига амин бўламан: «Математика ақлни чархлаб, хотирани мустаҳкамлайди, одамни ўйлашга ўргатади. Агарда сен, ўйлашга ва мантиқий фикрлашга ўргансанг, уни кейинчалик ҳаётнинг ҳар қандай соҳасида қўллай оласан».

Бир пайтлар айтилган бу фикр «Математикани ўқишга кириб олишим учунгина ўзлаштириб олсам бўлгани» қабилидаги бир ёқлама мулоҳазаларимни бутунлай чиппакка чиқарди...

Мазкур фикрларни рангли бўёқлар билан битиб, Руслан ака ишлаётган Қамаши тумани Нодира номидаги мактаб пештоқига осиб қўйгим келади.

* * *

Бир сафар уйимизга навбатдаги машғулот ўтказиш учун келган Руслан ака қалин-қалин бир нечта китобни олиб келиб, шундай деди:

«...Агар шу китоблардаги мисолларни тўлиқ ишлаб чиқсанг, хоҳлаган институтга ўқишга киришингга шубҳа йўқ».

Кейин тўпламлардан бирини олиб, дуч келган битта мисолни танлади-да, бир лаҳзада ишлади ва менга:

— Мисолни битта усул билан ишладим. Унинг иккинчи усули ҳам бор, қани ишлаб кўр-чи, — деди.

— Бошқа усулда ҳам ишласа бўладими? — деб у кишига юзландим.

— Ундан ҳам кўп усулларда ечиш мумкин. Пифагор теоремасининг бир ёки икки исботини биламиз, холос. Лекин Юрий Виппер деган математикнинг «Пифагор теоремасининг қирқ беш исботи» («Сорок пять доказательств Пифагоровой теоремы») номли китоби бор. Шундай экан, битта мисол ёки масаланинг ҳар хил усуллардаги ечимини топиш мумкин. Бунинг учун эса кўпроқ шуғулланиш, ўз устида ишлаш, фикрни бир жойга жамлаб, қунт билан ўқиш керак. Мисол ёки масала ечиб, жавобини чиқаргач, ҳузур қиламан ва гўё чарчоқларим чиққандай бўлади...

У киши мураккаб мисол ва масалаларни ҳам жуда оддий йўл билан ва содда қилиб тушунтириб берар, қайта-қайта уқтиришдан эринмасди.

1989 йили олийгоҳга ўқишга кирганимни эшитиб, Руслан ака шундай деди:

— Хизматим самарасини кўрганимдан хурсандман. Келгусида ўқишларни аъло баҳоларга тугатиб, яхши касб эгаси бўлишингда сенга муваффақият тилайман.

* * *

Қамаши туманининг чекка қишлоғида юқори педагогик маҳоратга эга, ёрқин математик истеъдод соҳиби борлигидан ва устознинг таълим-тарбиясидан минглаб ўқувчилар баҳраманд бўлаётганидан фахрланаман. Қалбимда сиздан фахрланиш, меҳнатларингизнинг қадри ва қарздорлик туйғуси мудом жўш уриб туради.

**Ш. МУРОДОВ**

# Харобаларда қолган ҳайратлар

## Болалик эртаклари



Қўйларни серўт яйловга яйратиб яна ўйинга берилламиз, чиллакдан зериккач яшинмачоқ авж олади, қишлоқнинг кўҳна ўрнидаги харобалар панагоҳ хизматини ўтайди. Харобалар кексаларнинг бири-биридан қўрқинчли ҳикояларидан бизга таниш бўлиб қолган. Анаву Жалол бобонинг меҳмонхонаси, ёнидаги колхоз идораси, ҳар иккаласига юрак ютиб яқинлашолмаймиз. Жалол бобонинг меҳмонхонасида жин бор, уни гоҳо кийик, гоҳида бўйни йўқ туя кўринишида учратишган. Онамнинг ҳикоя қилишича, эллигинчи йиллар тўнғич акам 8-9 ёш пайтларида уйимизга Бухорода яшайдиган қариндошлар келиб қолибди:

— Бор, ўғлим, идорадан дадангни чақириб кел, — дебдилар онам.

Йўл харобазор ўртасидан ўтар экан, акам айнан шу ерга келганида, чиройли бир кийик Жалол бобо меҳмонхонаси деворига югуриб чиқибди. Кийикнинг харобага чиқолмаслигини хаёлига келтирмаган бола, болалигига бориб, унга кесак отибди. Кийик қип-қизил олов шаклига кириб, кўздан ғойиб бўлибди.

— Ўшанда аканг узоқ вақт оғир ётиб қолди, дами ўткир эшонларга ўқитиб одам қилдик, — дедилар онам.

Яна бир гал колхознинг ҳосилоти ойдин тунда отнинг жиловини бўш қўйиб, ишдан қайтаётган экан, хароба тагига етганда, негадир от пишқириб юрмай қўйибди.

— Чуҳ, жонивор, чуҳ,— отга қамчи тортибди.

Аммо у қамчинни писанд этмабди. Гурунгларда от инс-жинсларга дуч келганда, шундай ҳолга тушишини эшитган ҳосилот у ёқ, бу ёққа алангглабди-да ўзидан ўн қадамча нарида ғалати кўринишли, бўйни йўқ туя келаётганини кўриб, шоша-пиша калима ўгиришга тушибди. Бироздан сўнг от пишқиришдан тўхтаб, йўлида давом этибди.

Собиқ колхоз идораси ҳақидаги миш-мишлар ҳам ваҳималиликда бошқаларидан асти қолишмайди. Айтишларича, унга парилар уя қурган бўлиб, ҳар кеча доира чалиб, базм қилишармиш. Миш-мишлар ўз йўлига, бироқ харобага юрак ютиб, Беги чўлоқдан бошқа биров киролмайди. Унга эса бу гапларнинг сира аҳамияти йўқ. Бизга инс-жинссиз мактаб харобаси ёқади.

— Эҳ-ҳей, буёққа келинглар, катта эчкемар, — Авазнинг ҳаяжонли қийқириғи эшитилди.

Бир зумда ўйинни унутиб,овоз эшитилган томонга чопамиз. Аваз хароба ёриғига ярми кириб қолган эчкемарни кўрсатади.

— Думидан тортиб чиқарамиз, — дейди кимдир.

— Чиқариб бўпсан, қорнини шишириб олса, танкаям тортиб ололмайди.

— Терисига қўл тегизсанг, пес бўлиб қоласан.

Ҳой, яқинлашма, думи билан урмасин, бобом «эчкемар думи билан урса, эшакнинг белини синдиради» деганди.

Баҳс-тортишувлар сўнгида Омон йўлини топиб, эчкемарнинг думига арқон солди.

— Бир, икки, уч, — тортдик.

Қанча уринмайлик, қорнини шиширган эчкемарни тортиб ололмаймиз. Аваз билан Олломуроднинг эшагини қўшамиз, фойдаси йўқ. Жаҳлимиз қўзиб, эчкемарни кесакка тутамиз, отганларимиз резинага урилгандак учиб кетади.

— Келинглар, деворни йиқитамиз.

Кўҳна деворга елка тираб итарамиз. Бизнинг чалғиганимиздан фойдаланган эчкемар қочиб қолади. Ноилож тағин ўйинга бериламиз. Бу гал юмронқозиқларнинг безовталаниб чийиллаши эътиборимизни тортади. Унча катта бўлмаган эчкемар юмронқозиқ уясига кирмоқчи бўлар, она юмронқозиқ жон-жаҳди билан унга қаршилик кўрсатарди. Юмронқозиқ эчкемарнинг бошига чанг солар, у эса думи билан урарди. Ҳолдан тойган юмронқозиқ, изидан эчкемар инга кириб кетди.

— Тамом, энди эчкемар ҳаммасини ейди, — дейди Омон.

Воқеанинг нима билан тугашини кутиб турамиз. Бироздан сўнг қонга беланган юмронқозиқ чиқди, нимадандир ёрдам кутгандек у ёқ, бу ёққа аланглади-да, тағин ўзини инга урди.

— Кетдик, кун ботиб қолди, ҳали қўйларимизни ажратиб олишимиз керак, — дейди Олломурод.

Йўл-йўлакай юмронқозиқ болаларини ўйладим, негадир ёвузлик эмас, оналик меҳри ғалаба қилишига ишонгим келарди.

**Абдунаби АБДИЕВ**

Ishonch 2010-yil 28-oktabr № 129 (2854)

# «Ўргимчак тўри» исканжасида

***АҚШнинг Pew Internet & American Life Project компанияси электрон тижорат соҳасида ишлаётган 1300 дан зиёд мутахассис ўртасида сўровнома ўтказди. Мутахассисларга ягона савол билан мурожаат қилинди: яна ўн йилдан сўнг интернет тармоғи инсоният ҳаётида қандай ўрин тутади? Кўплаб иштирокчиларнинг (66 фоиз) фикрича, яқин ўн йиллар ичида тармоқ фаолиятини маълум муддатга ишдан чиқарадиган киберҳужум уюштирилиши мумкин. Сўнгги пайтларда интернетда жиноий ҳаракатларнинг ўсаётганини ҳисобга олиб, шундай фикрга келинган бўлса ажаб эмас.***

***56 фоиз мутахассис эса тез орада технологиянинг ривожланиши натижасида интернетдан фойдаланиш осонлашишини таъкидламоқда. Масалан, телефон, автомобилга ўрнатилган, ҳатто кийимга қўшиб тикилган мослама ёрдамида ҳам интернетга чиқиш имконияти пайдо бўлади. Масофавий таълим янада ривожланиб кетишини 57 фоиз мутахассис башорат қилган, яна шунчаси эса интернет туфайли уй ва иш орасидаги масофа йўқ бўлиб кетишини айтган.***

***Мутахассислар, шунингдек, интернет тармоғининг ОАВ ва таълим муассасаларига таъсири юқори даражага етишини таъкидлашган.***



Мазкур башоратларнинг айримлари бугун ўз исботини топмоқда. Интернетнинг бошқа оммавий ахборот воситаларидан устунлик жиҳати шундаки, у деярли бутун дунёни қамраб олган. Маълумотлар ҳаддан ташқари тез ва ғоят катта аудиторияга тарқалади. Бундан ташқари, интернет марказлашган бошқарув ва назорат тизимига эга эмас. Айнан шундай хусусиятлар қора ниятлилар учун қўл келиши турган гап. Бугун дунё матбуоти кибертерроризм таҳдиди ҳақида бир-биридан хавотирли маълумотлар тарқатмоқда. Одатдаги террорчидан фарқли равишда, кибертеррорчи белига портловчи моддаларни боғлаб олиб, гавжум жойларга ўзини урмайди. Аммо у компютер қаршисида ўтириб, дунёнинг исталган давлатидаги ахборот тизимларига зарар етказиши мумкин. Масалан, «Ал-Қоида» ташкилоти элликка яқин веб-сайтнинг фаолиятини қўллаб-қувватлаб турар экан. 2001 йил 11 сентябр воқеаларини амалга оширган террорчилар электрон почта орқали шифрланган маълумотларни алмашишгани маълум бўлди. Шунингдек, террорчилар интернет орқали кўз остига олинган нишон ҳақида 80 фоизгача маълумот тўплаши мумкин экан.

Маълумки, интернет жуда кенг кўламдаги маълумотларга эришиш имконини беради ва унда деярли исталган саволга жавоб топиш мумкин. Масалан, болалар учун озиқ-овқат маҳсулотлари дўконини топишни истайсизми? Ёки компютер таъмирловчи фирманими? Муаммо йўқ. Қидирув тизимида керакли сўровни амалга оширасиз ва саноқли сонияда миллионлаб жавоб оласиз.

Дарҳақиқат, катта ёшдагилар учун интернет жуда фойдали. Аммо ёшлар ҳақида нима дейиш мумкин? Кейинги пайтларда интернетнинг ёшларга салбий таъсири ҳақида тез-тез гапирилаяпти. Ўтказилган тадқиқотлар хулосасига кўра, интернет ресурсларидан назоратсиз фойдаланиш бола онгига салбий таъсир ўтказади. Ҳатто, боланинг ўқишга бўлган қизиқишини орттириш хусусияти ҳақидаги гаплар ҳам салбий жиҳатлар соясида қолиб кетди. Негаки, интернетдаги турли номақбул маълумотлар бола руҳиятига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Интернетда цензуранинг йўқлиги ва бола ўз ёшига муносиб бўлмаган сайтларга кириб қолиши эҳтимолининг кучлилиги юқоридаги фикрларни тасдиқлайди.

Ҳозирча дунёнинг кўпгина мамлакатларида вояга етмаганларнинг муайян сайтларга киришини чекловчи қонунлар ишлаб чиқилмаган. Истисно тариқасида фақат Хитойни келтириш мумкин. Ушбу мамлакатда, болалар кирмаслиги лозим бўлган сайтларни филтрловчи махсус дастурий таъминот ишлаб чиқилган. Бу воситанинг қай даражада фойдалилиги эса ҳозирча аниқ эмас.

Муаммонинг хавотирли жиҳати шундаки, ёшларнинг интернет сайтларига билим олиш мақсадида кириши иккинчи даражали масала бўлиб қолмоқда. Аксарият ўсмирлар тармоқдан мусиқа, ўйин ва расмлар кўчириб олиш мақсадидагина фойдаланишади. Кейинги пайтда болалар интернетдан мулоқот учун ҳам фойдаланишмоқда ва бу ҳам, мутахассислар фикрича, жуда зарарлидир.

— Виртуал муҳитда мулоқот қиларкан, болалар зарурий алоқа-муносабат кўникмаларини ўзида шакллантира олмайди, — дейди шифокор Сарвар Бегимқулов. — Бундан ташқари, бола камҳаракат бўлади ва очиқ ҳавода кам вақт ўтказади. Булар боланинг нафақат ижтимоий жиҳатдан ривожланишига, балки соғлиғига ҳам салбий таъсир кўрсатади. Асосий вақтини компютер олдида ўтказадиган боланинг иммунитети пасаяди, кўриш қобилияти ёмонлашади. Кўпинча ортиқча вазндан қийналишади.

Ғалати туюлиши мумкин, лекин интернет тармоғининг болаларга кўрсатадиган салбий таъсиридан бири — саводхонликнинг пасайишидир.

Нега бугунги кун ўқувчиси китоб ўқимайди? Бугун матбуотда бу савол билан бот-бот чиқишлар қилинмоқда. Кўпинча бунга телевидение, видео, ИНТЕРНЕТни сабаб қилиб кўрсатишади. Аслида ҳам шундаймикан? Балки ўзимиз ёшларни китобхонликка ўргата олмаётгандирмиз? Ёки уларни ўзига торта оладиган асарларнинг камлиги сабаб бўлаётгандир бу ҳолга. Бизнингча, китоб ўқишни хоҳламайдиганлар ҳамма даврда ҳам бўлган. Китобга қизиқтиришнинг қандай серунум услублари бор? Оила, мактаб, кутубхонанинг бу борадаги ўрни кўнгилдагидек деб айта оламизми? Яхшиси, аввал ёшларнинг ўзига қулоқ тутайлик.

**Дилобар СОБИРОВА, ЎзМУ талабаси:**

— Интернетдан жуда кўп фойдаланамиз, ҳаётимизни усиз тасаввур эта олмаймиз. Чунки ундан хоҳлаган мавзуда реферат, турли маълумотлар, чиройли расмларни кўришимиз, улардан нусха олиш мумкин. Лекин ўқувчиларнинг тайёр реферат ёки ўзига керакли маълумотларни интернетдан кўчириши изланишдан тўхтатиб қўймайди, деб айта олмаймиз. Агар ўқувчи ёки талаба керакли маълумотни китоб, журнал, энциклопедиялардан қидирса, бундан ортиғини олиши мумкин. Чунки бир маълумотни қидираётганда бошқа бир маълумотга ҳам эга бўлиш мумкин. Қолаверса, битта эмас, балки бир неча китобни варақлашга тўғри келиши мумкин. Натижада китобга бўлган меҳр, шунингдек, сўз бойлиги ошади. Энг асосийси, ўз устимизда изланамиз. Интернетни ёмон дейишдан йироқман, чунки унинг ҳам ижобий томонлари кўп. Фақатгина тайёрга айёр бўлиб қолишдан сақланиш кераклигини таъкидламоқчиман, холос.

* * *

www. Internetworldstats.com сайтида жуда қизиқ маълумот келтирилган. Унга кўра, дунёда 1 миллиард 596 миллион интернет-фойдаланувчи бор. Ер юзида 6 миллиард 710 миллион одам яшаши ҳисобга олинса, демак аҳолининг 23,8 фоизи, ўртача ҳисобда ҳар тўртинчи одам интернетдан фойдаланади. Ўзбекистонда эса ҳар ўн иккинчи одам (8,8%) доимий фойдаланувчидир.

Ўз-ўзидан маълумки, фойдаланувчилари сони бўйича 3 миллиард 780 миллион аҳолиси бўлган Осиё қитъаси дунё миқёсида етакчилик қилади. Қитъада уларнинг сони 819 миллион 792 минг кишини ташкил қилади.

Аҳоли умумий сонининг интернет фойдаланувчиларига нисбати бўйича 337 миллион 572 минг аҳоли яшайдиган Шимолий Америка етакчилик қилади. У ерда аҳолининг интернетга мурожаати 74.4 фоиз бўлиб, бу аҳолининг тўртдан уч қисми доимий фойдаланувчи деганидир.

Бутунжаҳон тармоғидан фойдаланиш кўрсаткичи бўйича 804 миллион аҳолининг 393 миллиондан кўпроқ қисми ёки 48.9 фоизи доимий фойдаланадиган Европа қитъаси иккинчи ўринда туради.

Тармоқдан фойдаланишнинг энг паст кўрсаткичи Африкада кузатилади. Қитъада яшовчи 975 миллион аҳолидан бор-йўғи 54 миллиони ёки 5,6 фоизи интернетдан фойдаланади.

Хўш, МДҲ давлатлари, хусусан, Марказий Осиёда аҳвол қандай? Қуйида МДҲ давлатлари бўйича интернет фойдаланувчилар сонини келтириб ўтамиз:

1. Россия – 38 000 000
2. Украина – 6 700 000
3. Белоруссия – 2 809 800
4. Ўзбекистон – 2 400 000
5. Қозоғистон – 1 900 600
6. Озарбайжон – 1 500 000
7. Қирғизистон – 750 000
8. Молдавия – 700 000
9. Тожикистон – 484 200
10. Грузия – 360 000
11. Арманистон – 172 800
12. Туркманистон – 70 000

2000-2008 йиллар оралиғида дунё бўйича фойдаланувчилар сони текширилганда, МДҲ давлатларида кескин ўсиш кузатилди. Мисол учун, бу вақт оралиғида Ўзбекистонда фойдаланувчилар сони 320 марта ошган. 2000 йил охирида Ўзбекистонда 7500 фойдаланувчи қайд этилган бўлса, 2009 йилнинг бошида бу кўрсаткич 2 миллион 400 мингни ташкил этди.

* * *

Психологлар, шунингдек, дунёдаги кўплаб ота-оналар ҳам болаларнинг интернетга боғланиб қолиши муаммосига дуч келишди. Тадқиқотчиларнинг бу борадаги башоратлари эса кишини умидсизлантиради. Яқин келажакда зарур чоралар кўрилмаса, миллионлаб ёшлар интернетга «асир» бўлади.

Шундай бўлса-да, ўта кескин чораларга мурожаат қилиш шарт эмас. Ота-оналарнинг етарли даражадаги назорати остида бола интернетдан фойдаланиши мумкин. Акс ҳолда, «тақиқланган мева» ҳолати юзага келиши мумкин ва бу ҳеч қачон яхшиликка олиб келмаган. Аммо...

Аммо, минг афсуски, қизиқувчанлик ёшларимизни тақиқланган томонга жалб этмоқда. Компютер тизимлари хавфсизлиги соҳасида етакчилардан бўлган «Касперский Лабораторияси» фирмаси таҳлилчилари фирманинг «Kaspersky Security Network» (Касперский Хавфсиз Тармоқ) технологияси ёрдамида бутун дунё бўйлаб тўплаган маълумотлар кишини қайғуга солади. Болалар фойдаланаётган компютерлардан ҳар соатда 180 минг марта порно сайтларга киришга уриниш кузатилган. Компаниянинг ота-оналарга компютерда ишлаётган болани назорат қилишда ёрдам берадиган индивидуал дастури эса «порнография» категорияси бўйича суткасига 4 000 000 та шундай уриниш бўлганини кўрсатган. Тадқиқотларнинг кўрсатишича, бундай уринишларнинг катта қисми кечки пайт, асосий қисми эса тунги соат 23 дан кейин содир бўлади.

Биргина Россияда ўсмирлар орасидаги зўравонлик кўлами миллий ҳалокат тусини олмоқда. Болалар мактабга боришга қўрқишади. Интернетда ҳар куни болалар ва ўсмирларнинг ўзлари мобил телефон билан суратга олган зўравонлик ва беҳаёлик тасвирланган видеомаълумотлар пайдо бўлмоқда. Ўсмирлардаги ҳомиладорлик ҳолати баъзи мамлакатларда ҳар 1000 нафар аёлнинг 143 тасида учрамоқда — бу, ўз навбатида, ҳомила тушиши ва абортлар сонининг ўсишига олиб келади.

*Маълумот ўрнида шуни айтиб ўтиш керакки, 2006 йил интернетда мавжуд бўлган порнографик сайтларнинг умумий даромади 97,3 миллиард АҚШ долларини ташкил этган. Интернетдаги тил ўргатувчи, ахборот етказиб берувчи ва яна шунга ўхшаш бошқа фойдали сайтлар даромади юқоридаги сумманинг чорак қисмини ҳам ташкил этмайди (Internet Filter Review, 2006).*

* * *

Фарзандларимизнинг эртанги куни, маънавияти қандай бўлади? Бу саволга жавоб излашдан кўра, уларнинг келажаги ҳақида қайғурмоқ лозим. Лекин бир нарсани аниқ айтиш мумкин — эртанги кунимизда ҳам интернетнинг таъсири албатта акс этади.

Ҳозирча унинг салбий таъсиридан қандай қутулиш мумкин, деган қийин саволга жавоб беришга ҳаракат қилиб кўрайлик. Чунки касални даволагандан кўра, унинг олдини олган афзал.

Бугун деярли барча ўқув даргоҳларида интернетдан бепул фойдаланиш имконияти бор. Бундай жойларда ўқув характерига эга бўлмаган ресурсларга киришга йўл қўймайдиган «филтр» ҳам қўйилган. Бу интернетнинг ўсмирларга салбий таъсирига қарши кураш усулларидан биридир.

Худди шу усулда интернет-кафе ва клубларга борувчи ўсмирлар ёшини ҳам чегаралаш мумкин. Лекин ҳозирча бундай қилинмаяпти. Чунки бу каби муассасаларнинг асосий мижозлари айнан ўсмирлардир. Агар бу ёшдаги мижозларга фойдаланиш тақиқланадиган бўлса, бундай муассасалар ўз-ўзидан инқирозга учрайди.

Балки, қатъий чоралар кўриб, масалан, Хитойда қилингани каби, фойдаланишни чегаралаш мумкиндир. Аммо интернет қисқа фурсатда ҳаётимиздан катта ўрин олган шароитда буни амалга оширишнинг иложи бормикан? Мутахассисларнинг таъкидлашича, яқин келажакда интернет шу даражада тез ривожланадики, у нафақат почта, балки телевидение, кутубхона ва ҳатто дўкон вазифасини ҳам ўтай бошлайди. Натижада, кишилар театр, истироҳат боғлари ёки музейларга бормай қўйишади ва виртуал оламда яшашга ўтишади. Бу оламда бутунлай яшай олишмайди, албатта. Лекин барибир муаммо долзарблигича қолмоқда.

**Жаҳонгир ШАРОФБОЕВ, журналист**

# Куз шудгори — БАРАКА ГАРОВИ





### Иссиқхона зироатчилиги

Эл дастурхонини тўкин қилишда иссиқхоналарнинг ўрни беқиёс. Мўл ҳосил етиштиришда эса озиқлантириш муҳим аҳамиятга эга.

Уруғни экишдан олдин ва ўсув даврида органик ҳамда минерал озуқа моддалар тупроқ агрокимёвий ҳолатига қараб солинади. Бунда органик моддалар миқдорини 20% атрофида сақлаш талаб этилади. Кузги-қишки экиш даврида тупроққа асосий ишлов беришдан олдин ҳар гектар иссиқхона майдонига камида 200 тонна чиринди солиш зарур.

***

Экинларни турли касаллик ва заркунандалардан ҳимоя қилиш ҳосилдорликда муҳим аҳамиятга эга. Масалан, тамаки мозаикаси вирусига қарши помидор кўчатларини 10 фоиз сутли эритмани (9 литр сувга 1 литр ёғсизлантирилган сут қўшиб), уларни доимий жойга экишда 0,05 фоиз борат кислота аралашмаси ёки қаҳрабо кислотасининг 10 литр сувдаги (5 гр.) эритмаси пуркалади.

Бодринг ўсимликларида ун шудринг кенг тарқалган касаллик бўлиб, унга қарши 0,05 фоиз топаз ёки фоликур 0,07 фоиз, Топсин М, Ридомил Долд 0,1 фоиз препарати билан ишлов бериш лозим. Полиз ширасига қарши 0,1 фоизли актеллик ёки 0,2 фоиз децис препарати қўлланилиши зарур.

* * *

Биласиз, иссиқхонада йил бўйи меҳнат қилиш мумкин. Унда қишки-баҳорги мавсумда эккан экинлар июн ойи охирида йиғиштириб олинади. Сўнг кузги-қишки мавсумда экиш учун тайёргарлик ишлари бошланади.

Иссиқхона экиндан бўшатилади. Ерлар помидор ёки бодринг қолдиқларидан яхшилаб тозаланади. Ер супириб-сидирилиб, экин қолдиқлари махсус жойларга чиқариб ташланади. Бундан ташқари, ернинг устки қатлами 3-5 см. қалинликда кетмон билан сидириб олинади. Бу кейинги ҳосилнинг соғлом бўлишига катта ёрдам беради.

### Ерни озиқлантириш ва шудгорлаш

Сифатли ҳосил олиш учун ҳар йили ерларни маҳаллий ва минерал ўғитлар билан бойитиб бориш талаб этилади. Ерга солинаётган ҳар қандай ўғит меъёрида бўлиши шарт. Акс ҳолда у ернинг шўрини кўпайтиради, ўсимликнинг ривожини секинлаштириб, нимжонлаштиради.

* * *

Ерни қандай ўғитлаш ерга нима экишга ҳам боғлиқ. Масалан, кузги-қишки мавсумда бодринг етиштирадиган ерга экишдан 1 ой илгари 100 кв.метрга 5-7 кг. суперфосфат, 1-1,5 кг. азот, 1,5-2 кг. калий тузи, 20-25 кг. ўтин кули солиб, ерни ағдариб, чопиб қўйилгани маъқул. Кейин кичик ариқчалар очиб суғориб қўйилса, минерал ўғит ерга қўшилиб, сингиб кетади. Бундан ташқари, мол, қўй гўнги солиниб, ерни чуқур ағдариб чопилса, ҳосилдорлик ошишига замин тайёрлаган бўласиз.



* * *

Маҳаллий ўғитлар махсус чуқурларда 1-2 йил давомида чиритилган бўлса ёки минерал ўғитлар аралаштирилиб «компост» тайёрланса, мақсадга мувофиқ бўлади.

* * *

Олимлар ва илғор пахтакорлар хулосасига кўра, кузги шудгор баҳорги ер ҳайдашга нисбатан пахта ҳосилини 15-20 фоизга оширади. Кузги шудгордан кейин тупроқнинг физик хусусиятлари, сув ўтказувчанлиги яхшиланади, қиш ойларида бўладиган ёғинлар ҳисобига намнинг сақланиши учун керакли шароит яратилади.

Кузги шудгорлашдан олдин бажариладиган тадбирлар қуйидагилар:

1. Ҳар бир хўжаликда вилт билан зарарланган майдонлар бўлса, ғўзапоялар йиғиштириб олиниб, ташқарига ташиб чиқарилиши керак бўлади. Акс ҳолда вилт замбуруғлари ғўзапоя танасида қишлаб, кейинги йил ёш ниҳолларга ўтади.

2. Ер майдонлари хавфли кўп йиллик (ажриқ, ғумай, қамиш) ва бошқа бегона ўтлар билан зарарланган хўжаликлар шудгорлашдан олдин мавжуд бегона ўтларни тирмалаб олиш орқали тозалаш ва имкони бўлса, хўжаликдаги бор кимёвий воситалар билан дорилаш зарур.

3. Агарда ҳайдаладиган ерга такрорий экин сифатида маккажўхори экилган бўлса, маккажўхори кўплаб озуқа моддаларини ўзлаштириб, ўзи билан олиб чиқиб кетади. Шунинг учун бундай майдонларга йўқотилган озуқа ўрнини қоплаш учун 20 фоиздан кўпроқ миқдорда маданий ўғитлар солиниши зарур. Таркиби озуқа моддаларига бой маҳаллий ўғит парранда гўнгидир. Бир тонна парранда гўнгида 34-35 кг. азот, 16 кг. фосфор ва 8 кг. калий мавжуд. Демак, паррандачилик фабрикалари чиқиндиларидан оқилона фойдаланиб, ўғит сифатида компостлар тайёрлаб, далаларга солиш керак.

* * *

Чиринди қатлами яхши ва ўрта бўлган тупроқда шудгорлаш 35-40 см., унумдорлиги паст ва шағал, қумли ерларда тупроқ шароитини инобатга олган ҳолда 25-30 см. чуқурликда ўтказилиши зарур. Имкони борича ер ҳайдашда тупроқнинг 0-15, 0-20 см. қатламини эгат тубига, пастки 15-30, 20-40 см. қатламини эса ағдарилган ҳолда тупроқ юзасига чиқарилиши керак, бунда қолдиқ, ўғит ва бегона ўтларнинг уруғи ҳайдов чуқурлигига тушади. Унумдорлиги паст ва гипс қатлами юза жойлашган тупроқ меъёрдан чуқур қилиб шудгорланса, унумсиз арзик қатлам ёки шағал, қум ҳайдов қатламни тепасига чиқиб қолиши натижасида, арзик қатламда экилган қишлоқ хўжалик экинларининг униб чиқиши, ривожланиши кечикади. Қумнинг ҳайдов қатлами тепасига чиқиши оқибатида амал даврида тупроқ шамол эрозиясига учрайди.

### Пиёз ва картошка

Ўзбекистонда сабзавот экинлари орасида экиладиган ер майдони жиҳатидан помидордан кейин иккинчи ўринни пиёз эгаллайди.



Чунки унга бўлган талаб йилдан йилга ошиб бормоқда. Аҳолини пиёз билан таъминлаш учун йилига 220-270 минг тонна маҳсулот етиштириш лозим. Ундан рўзғордан ташқари озиқ-овқат саноати, фармацевтикада кенг фойдаланилади. Пиёзнинг харидорлари чет элларда ҳам кўплиги эътиборга олинса, бу миқдор янада ошади.

Юртимизда пиёз эртаги-баҳорги, ёзги-кузги ва тўқсонбосди қилиб экилади. Баҳорги муддатда пиёз жанубий вилоятларда 5-25 январда, марказий вилоятларда 20 феврал — 10 март, шимолий вилоятларда 5-25 март, тўқсонбосди муддатда марказий вилоятларда 15 ноябр — 15 декабр ва шимолий вилоятларда 1 ноябр — 1 декабр оралиғида экилади.

* * *

Сақланаётган картошкани 2-3 ойдан кейин, албатта, саралаш зарур. Картошка одатда совутгичли ёки оддий омборларда контейнер, яшик, тўр халта, тўкма ҳолда сақланади. Омборда ҳарорат 2-4 даража илиқ, нисбий намлик 80-85 фоиз бўлса, маҳсулот яхши сақланади. Омборда сақлаш имконияти бўлмаган шароитда сизот сувлари яқин бўлмаган ерларда ковланган ўраларга кўмиб сақлаш мумкин. Бунда ўранинг эни 60-70, чуқурлиги 70-80 см., узунлиги 2-3 м. бўлиши мақсадга мувофиқ. Ўрага картошка жойлангач, устига 10-15 см. қалинликда похол ёки қамиш ёпилади, сўнгра устидан 30-35 см. қалинликда тупроқ тортилади. Картошка бундай шароитда апрел ойигача яхши сақланади.

***

Мамлакатимизда октябр ойида хурмо ва анор мевалари териб олинади. Хурмонинг мева банди жуда ўткир бўлиб, бошқа мевалар шикастланмаслиги учун яшикларга 2-3 қатордан эҳтиётлаб тахланади, ҳар бир мева қаторига қоғоз солинади.

### Узумини енг-у...

Узумнинг кечпишар навлари донасининг ғуборини бузмаган ҳолда, лат еган доналари қайчи билан олиб ташланади.

Яшикларга жойланаётган узум бошлари икки қатордан кўп бўлмаслиги лозим. Яшиклар тагига ва тахланган узум устига қоғоз солинади.

Республикамизнинг аксарият ҳудудларида кейинги йиллари қишда ҳаво ҳарорати минус 25-30 градусгача пасайиши кузатилмоқда. Бу токларни қишда, албатта кўмишни талаб этади. Шимолий минтақаларда ток устига ётқизилган тупроқ уюмининг баландлиги 30-35, бошқа туманларда эса 20-25 см. бўлиши керак.

Кузги совуқ ҳам ток ўсимлиги учун зарар етказиши мумкин. Юза ёки кеч ёпилган ток кузги совуқлардан, кейинчалик эса қишки совуқлардан зарарланади. Совуқ урган новдалар баҳорда қуриб қолади.

Кесилган ток туплари қўндоқлаб ётқизилгач, ёпишдан олдин милдю,



оидиум (кул), антракноз ва рак касалликлари юқумига қарши 3 фоизли бордо суюқлиги ёки 5 градусли оҳак-олтингугурт қайнатмаси ёки мис купоросининг 1 фоизли ёки темир купоросининг 3 фоизли эритмаси билан жиққа ҳўллаб пуркаш зарур. Карбомиднинг (мочевина) 5-6%ли эритмасини қўллаш ҳам самаралидир.

***

Уруғли боғлар (нок, олма, беҳи) қатор оралари тупроғи ағдариб ҳайдалади, ҳар бир дарахт атрофи 25-30 см. чуқурликда ағдариб чопилади. Октябрнинг учинчи ўн кунлигида барча мевали дарахтлар, биринчи галда шафтоли, олхўри, ўрик, гилос дарахтларининг тана ва она шохлари оқланиши зарур.

**agro.uz сайти асосида тайёрланди**

Ishonch 2010-yil 28-oktabr № 129 (2854)

# Қалдирғочлар

## (Ҳикоя)



Чол бугун ҳам эрта уйғонди. Анча вақтгача одатдагидек шипга тикилганича ҳовлидаги қалдирғочларнинг чуғур-чуғурига қулоқ солиб ётди. Негадир уларнинг овози шу мўъжазгина ҳовлида аёли билан узоқ йиллар кечирган кунларини ёдига солади.

Негадир хўрлиги келди. Ким эди-ю, ким бўлди. Илгарилари кучига ишониб, инсон темирдан яралган бўлса керак, деб ўйларди. Янглишибди, пахта экан. Дард дегани мана-ман деган кишиларни ҳам эгиб-букиб ташларкан.

Ёшлик даврларида Серматнинг олдига тушадигани йўқ эди. Ғўлабирдан келган, қорақош йигит юрганда, ер гурсилларди. Атрофдагилар у билан ҳисоблашарди.

Отаси раҳматли Қодир каппон ёлғиз ўғли Шерматни қаттиққўллик билан катта қилди, меҳнатга ўргатди. Бунинг учун у отасидан бир умрга рози. Уруш йиллари далада ишлади. 15 ёшли йигитчага тракторни беришди. Кечаси-ю кундузи тиним билмади.

— Ўғлим, инсонни меҳнат юзага чиқаради, — деганди отаси бир кун унга.

Шу ўгитга бир умр амал қилди. Кўп ўтмай, меҳнати юзага чиқди. Ёш бўлишига қарамай, газетада сурати босилди, орден ҳам олди.

Ота-онаси уни Нафисага уйлантириб қўйди. Хотиндан толеи баланд экан. Аёли уйим-жойим дейдиган, иболи, фариштадек эди. Содда, умри бино бўлиб эрига бирор марта ҳам тик қарамади. Кампирини эслаганда, отанинг кўзига ғилт-ғилт ёш келди.

Бирин-кетин қизлари туғилишди. Бир-биридан чиройли, сулув... Охирги қизи туғилгач, Шермат ўзини қўярга жой тополмай қолди. Хотинига разм солди. У ҳам ич-ичидан ўзи билан ўзи курашарди. Бир куни кечқурун хотини гап очди:

— Шарофат (у эрини катта қизининг исми билан чақирарди), сизни ҳам жуда қийнаб юбордим. Розиман, бошқага уйланинг. Ҳовлининг бир бурчагида қизларим билан тураверaман. Худо берса, ўғилли ҳам бўларсиз.

Унинг бу гапи Шерматга ёмон таъсир қилди.

— Нима, бошқа бировни топдингми, ярамас? — деганча хотинига умрида биринчи бор қўл кўтариб, тарсаки тортиб юборди. Фариштадек аёлини ургани ёдига тушса, ҳали-ҳали ачинади.

Кўп ўтмай, уни раис этиб сайлашди. Дўст-душман қандай бўлишини шундагина англаб етди. Бир куни ярим кечаси одатдагидек идорадан уйга қайтаётганди. Девор томонда кимнингдир кўланкаси кўрингандек бўлди. Хушёр тортди. Ҳеч нимани сезмагандек аста дарвоза томон кела бошлади. Шу пайт ҳалиги кўланка унга ташланиб қолса бўладими. Қўлидаги пичоқ ярақлаб кетди. Шермат унинг билагидан маҳкам ушлаб, бор кучи билан даҳанига солиб юборди. Пичоқ бир томонга, «кўланка» иккинчи томонга учиб кетди. Ҳалигини ўласи қилиб дўппослаб, идорага олиб келди. Қоронғуда танимаган экан. Қараса, Ҳафиз моякчи. Милиция чақирди. Астар-аврасини чиқариб, тонггача тергов қилишди. Маълум бўлишича, раисликка даъвогарлардан бири тоғ-тоғ ваъдалар бериб, қўлига пичоқ тутқазган экан.

Ҳафиз моякчи тиз чўкиб, кечирим сўради. Шермат раисда қаҳр ҳам, меҳр ҳам бирдай эди. Жўжабирдек жонлиги, қамалиб кетса, оиласининг аҳволи нима кечишини ўйлаб, кечирди. Шундан кейин Ҳафиз моякчи узоқ яшамади. 3-4 йилдан сўнг ўз ажали билан ўлиб кетди.

Шу пайт дарвоза олдида машина овози эшитилди. Болаларнинг шовқини келди. Эшикдан тоғора-ю, бўхча кўтарган тўлагина Шарофат кўринди. Унинг орқасидан куёви Суръатжон набираларини етаклаб кирди. Бир зумда ҳовли болаларнинг қий-чувига тўлиб, файз кирди.

— Қани, энди, фарзандларимга пешвоз чиқиб, кутиб олсам, — ўйлади чол. Лекин дард туфайли у ўрнидан туролмади.

Шарофат отаси билан кўришаркан, ўзини тутолмай йиғлаб юборди. Куёви Суръатжоннинг икки қўли кўксида.

Ота ётган жойида пичирлаб уларни узоқ дуо қилди.

— Дада, бу ётишингиз нимаси, худди мусофирларга ўхшаб. Ҳар сафар сизни шундай аҳволда кўрсам, юракларим эзилиб кетади. Уйга олиб кетайлик, деб қанча зўрладик. Зулфия, майли, «дом»да туради. Меники-чи, ҳайҳотдек ҳовли, — у ҳиқиллаб дастрўмоли билан кўз ёшларини артди.

Ҳақиқатан ҳам қизи ҳар келганда уни олиб кетмоқчи бўларди. Лекин чол унамасди. Чунки ҳовлидаги ҳар бир нарса унга қадрли, кампири айланиб юргандек эди гўё. Бунинг устига эрталабки қалдирғочлар овози. Набиралари ҳам чол ётган хонага кириб, боболарига бирин-кетин салом беришди. Чол ётган жойида уларнинг пешоналаридан ўпди.

— Қиз бўлсин, ўғил бўлсин, худо ақли билан берсин. Фарзандлардан ёлчидим, — деган ўй унинг хаёлига келди-ю, яйраб кетди.

Ҳақиқатан ҳам қизлардан ёлчиди. Куёвлари ҳам яхши чиқди. Лекин... Зулфиянинг эри бироз ичағонроқ. Кампири раҳматли ҳам кўпинча шу куёвидан зорланарди.

Зулфиянинг ўзи ҳам бошқа опа-сингилларига ўхшамаган, бўшанггина бўлса-да, лекин ниҳоятда меҳрли. Шундан бўлса керак, чол кўпроқ шу қизига меҳр қўйганди. Икки-уч кун келмай қолса, эшикка тикилади.

Эшик очилиб, у кутгандек Зулфия кириб келди. Уни деразадан кўрган чол терисига сиғмай қувониб кетди. Қизи оҳиста келиб, отасини қучди ва кўксига бош қўйиб, юм-юм йиғлади.

— Хафа бўлма, қизим, анча тузукман, — деди-ю, томоғига нимадир тиқилгандек бўлди. Озиб, қоқшол бўлиб қолган бармоқлари билан қизининг бошини силади.

Шу пайт хонага кириб келган Шарофат синглисига:

— Яхши юрибсанми, Зулфи, болаларинг, куёв яхшими? Ҳайронман, «дом»ни нимасига учгансан? Мана ҳовли, шу ерда яшайверсаларинг бўлмайдими. Каталакдек уйда нима бор? Хоҳласанг, поччанг «евроремонт» қилдириб берадилар, — деди синглиси билан сўрашаркан.

Зулфия кўз ёшларини артар экан, опасига қараб жилмайишга ҳаракат қилди:

— Минг марта айтдим куёвингизга. Лекин у киши «ичкуёв» бўлишдан ор қилар эмишлар.

Чол учун бу янгилик эмасди. Кампири ҳаётлигида ҳам кўп гапирганди. Ўша вақтда ҳам куёви у-бу нарсани баҳона қилиб унамаганди.

Шу пайт Шарофат бўхча кўтариб кирди-да, уйнинг бир бурчагига ташлади.

— Адажон, куёвингиз сизга зўр костюм-шим олиб келибдилар, — деди-да, бўхчадаги нарсаларни ёйиб ташлади.

Чол қизининг гапига ичида кулимсираб қўйди.

«Хаҳ тушмагур-а, ҳалиям болалиги бор-да. Ўзим қай аҳволдаман-ку», деб қўйди ичида. Лекин шундай бўлса ҳам миннатдорчилик билдириб:

— Раҳмат, қизим, илойим қўшганинг билан қўша қариб, бахтли- саодатли бўлинглар, — дея дуо қилди.

Ўзида йўқ хурсанд бўлиб кетган Шарофат Зулфияни қучоқларкан:

— Мана, Зулфи, жиянинг сенга атайин чет элдан олиб келибди, — деганча унинг олдига кўйлаклик қўйди.

Поччасининг олдида Зулфия хижолат тортгандек бўлди. Унинг аҳволини кўриб Шарофат:

— Ёшлигингдан бирам тортинчоқсанки. Бу одатингни ташла, синглим. Опангман-а, — деганча синглисининг икки юзидан ўпди.

«Бир қоп ёнғоқ», ўйлади чол. Барака топсин ишқилиб.

— Дада, Муқаддас билан Гулнор кеча келишган экан, бугун келишмаса керак-а? — сўради Шарофат отасидан.

— Билмадим. Майли, ишларидан қолишмасин. Анча тузукман.

Бу гапни айтаркан, чол кулимсирашга ҳаракат қилди. Аъзои баданидаги оғриқ яна уни исканжага олаётганди. Орадан чамаси бир соатлар ўтгач, ҳовлида ғала-ғовур овоз эшитилди. Чол чўчиб, ҳовлига қаради-ю, хурсанд бўлиб кетди. Гулнора билан Муқаддас у томон келарди. Уларни кўриб, дард сал чекингандек бўлди.

Қизлар кириб, оталари билан кўришишди-да, хонтахта атрофига ўтиришди.

— Қани энди, бир зумгина бўлса-да, қизларим билан хонтахта атрофида ўтирсам, — хаёлига шу фикр келди. Чол узоқ тин олди-да кўзларини юмди.

Қўшни хонада қизлари нима ҳақидадир гурунглашарди. Бироздан сўнг Гулнора чой билан косада овқат олиб кирди.

— Дадажон, шу овқатдан еб олинг, атайин сизга қилгандим, — дея отасига манзират қилди.

Чол қизига астагина:

— Раҳмат, қизим, тупроқ олсанг олтин бўлсин, — дея дуо қилди-да, яна кўзларини юмди.

Гулнора отасини зўрламоқчи эди, лекин Шарофатнинг ўзига маъноли тикилиб турганини кўриб, тилини тишлади. Опа-сингил биргалашиб, нариги хонага чиқиб кетишди.

Шу пайт чолнинг ёдига кампири тушди. Қизларини бир кўрса. Лекин руҳи шу атрофда кезиб юргандир.

Кампири жуда осон ўлим топиб кетди. Ўша куни кечқурун бирга овқатланишди. Ҳар кунгидек бироз суҳбатлашишгач, кампири астагина:

— Шарофат, негадир бошим айланаяпти, — деб қолди.

Чол унга меҳрибончилик қилиб, ёнига болиш ташлади.

— Бироз ёт, толиққансан, — деди-да, ўзи ҳовлига чиқди. Айвонга чиққач, кампирини бир-икки чақирди. У овоз бермади.

— Ухлаб қолибди-да, — деган ўй билан аста яқинлашди. Кейин тикилиб туриб, гап нимадалигини тушунгач, ҳўнграб юборди. Шундан сўнг анчагача ўзига келолмасдан юрди. Кўпчилик Шермат раиснинг кампиридан кейин анча чўкиб қолганлиги ҳақида гап-сўз ҳам қилишди.

Кампирининг йили ўтгач, Шарофат отасига гап орасида қистириб ўтди:

— Дада, ёлғизликда қийналиб қолмаяпсизми? — дейиши билан Шерматнинг кўнгли тўлиб:

— Нима демоқчилигингни сездим, қизим, ҳеч нарсанинг кераги йўқ. Ёшим ҳам бир жойга бориб қолди, — деди эзилиб.

Шу кечаси ярим тунгача қизи билан суҳбатлашиб ўтирди.

Бурноғи йили отага ёмон бир касаллик чанг солди. Кетма-кет операция бўлди. Кўрсатмаган доктори қолмади. Шундан буён бошида қизлари-ю, набиралари парвона.

Шу куни кечаси чол туш кўрди. Эски ҳовлилари эмиш. Супачада Шарофат, Зулфия, Муқаддас ўйнаб ўтиришибди. Ёшгина келинчакнинг қўлида Гулнора. Шермат келинга гапирармишу, лекин у эшитмасмиш. Ахири, чол нимадандир чўчиб уйғониб кетди. Ёшланган кўзларини кафти билан артди.

Эрталаб Шарофат дадасига яқинлашди.

— Дадажон, бугун набирам Дилфузага совчилар келмоқчи экан. Ҳаммамиз бизникида бўламиз. Муқаддас қолади, майлими? — деди.

Чол яна узоқ пичирлаб, дуо қилди. Кечаси кўрган тушини унга айтмоқчи бўлди-ю, тилини тийди. Майли, тўй бўлсин.

Ётган жойида аланглаб, Зулфияни қидириб топди. У югуриб отасининг тепасига келди. Сўнг унинг пешонасидан ўпди.

— Дада, бугун мен сиз билан қолсам майлими? — сўради Зулфия.

Унинг ўрнига Шарофат жавоб берди.

— Майли, қолақол, синглим. Лекин дадамларни зериктириб қўйма. Бўлмаса, нақ кўрасан, — дея кулимсираб қўйди.

Чол Зулфиянинг кўзларига тикилди. Унда қандайдир мунг бор эди.

Кечки томон қизлар тарқалишди. Зулфия шундоққина дадасининг ёнгинасига ўрин солди. Соат ўндан ошгач, қизи пишиллаб ухлай бошлади.

Кечаси билан чолнинг кўзига уйқу келмади. Бироз кўзи илинган экан, яна кампирини туш кўрди. Уйғониб кетиб, Зулфия томон қаради. У ҳамон ёш гўдаклардек ухлаб ётарди. Чол чуқур «уҳ» тортди. Эрта тонгда унинг жони узилди. Ҳовлидан эса қалдирғочларнинг чуғурлаши эшитиларди.

**Неъмат РАФИҚОВ**



***Қовоқ бебаҳо озиқдир. Таркибида углевод, витамин ва минерал тузлар кўплиги билан бошқа сабзавотлардан ажралиб туради. Қовоқнинг шифобахшлиги қадим замонлардан бери маълум бўлиб, халқ табобатида кенг қўлланилган. Уни сувда, сутда қайнатиб, димлаб, қовуриб истеъмол қилиш мумкин. Бу полиз экини тери, юрак-қон томир касалликлари, ўпка, жигар, буйрак яллиғланиши, яраларнинг тез битиши, ичак саратонида фойда беради. Ундан 30 хилдан ортиқ таом тайёрлаш мумкин.***

# Қовоқ

## Салат

400 гр. тозаланган қовоқ тўртбурчак шаклида тўғралиб, тузли сувда пишириладиди ва сузгичдан ўтказилади. 2 дона тузланган бодринг, 100 гр. помидор ҳам шу шаклда тўғралиб, қўшилади. Устига бош пиёз, қора мурч, петрушка сепилиб, таъбга қараб туз, сирка, 50 гр. ўсимлик ёғи солинади.

## Ҳолвайтар

Қозонда ўсимлик ёғи доғланади, бироз совигач, ун солинади. Қизартириб қовурилади. Шу жараёнда унга қирғичдан ўтказилган қовоқ қўшилади. Сўнгра, таъбга кўра шакар аралаштирилган сув қуйиб, паст оловда ковлаб турилади. Ҳолвайтар қуюқлашгач, ликопчаларга солиб, дастурхонга тортилади.

## Юпқа

1 кг. қовоқ қирғичдан ўтказилади. 2 дона пиёз паррак қилиб тўғралади. Қозончага 500 гр. ёғ солинади, пиёз, қовоқ ва зираворлар қовурилади. Ҳосил бўлган масаллиқ совутилади.

4 стакан унга 1,5-2 стакан тузли сув қўшилиб, хамир қорилади ва 15 дақиқа тиндирилади. Кичик зувалачалар тайёрланиб, юпқа қилиб ёйилади. Ёйилган юпқалар товада енгил қовуриб олинади. Тайёр бўлгач, юмшаши учун 5 дақиқа ўраб қўйилади. Юпқаларнинг ичига қийма солиниб, чиройли қилиб тахланади.

## Димлама

Қовоқ тепа қисмидан қопқоқ шаклида кесилади ва очилган бўшлиқ орқали уруғларидан тозаланади. 300 гр. ёғли гўшт майда қилиб тўғралади. 300 гр. пиёз ҳалқа шаклида тўғралади. 300 гр. гуруч ҳам алоҳида идишда қайнатиб олинади. Гўшт, пиёз, гуруч, зираворлар 1-қават; гўшт, пиёз, гуруч, зираворлар 2-қават; гўшт, пиёз, гуруч, зираворлар 3-қават тарзида жойлаштирилади. Ошқовоқ тўлгач, сув солинади, қопқоғи ёпилиб, духовкада паст оловда пиширилади.

## Рўзғорда керак

Ёғ доғини бензин, скипидар ёки ацетон билан кетказиш мумкин. Бундай эритувчилар доғни жуда яхши тозалайди. Улар тез ёнувчан моддалар бўлибгина қолмай, балки заҳарли ҳамдир. Шунинг учун уларни эҳтиёткорлик билан қўллаш керак. Янги доғларни кетказиш учун матонинг икки тарафига ҳам 2-3 қават босма қоғоз қўйиб, дазмолни илитиб босиш керак. Ёғ доғларининг бир қисми босмага ўтади, қолгани эса кир ювиш кукунида ювиб тозаланади.

***

Чой доғини кетказиш учун газлама бир неча дақиқа совуқ сувга солиб қўйилади, кейин кир совун билан ювилади. Агар доғ эски бўлса, ярим қошиқ 3 фоизли новшадил спирти ва икки чой қошиқ глицерин аралашмаси билан артиш, сўнгра илиқ сувда ювиш керак.

***

Кофе ва какао доғи теккан кийимларни аввал совуқ сувда, кейин эса иссиқ сувда кир совун билан ювиш мумкин. Агар доғ эски бўлса, икки чой қошиқ глицерин 1 та тухумнинг сариғига аралаштирилади ва яхшилаб артилади. Сўнгра илиқ сувда ювиб ташланади.

***

Меваларнинг доғи теккан кийимларни иссиқ сутга солиб, сўнгра илиқ сув билан ювиш керак. Агар оқ рангли кийимлардаги доғ шундан кейин ҳам кетмаса, 1 чой қошиқда водород пероксиди ва 0,5 чой қошиқда новшадил спирти 200 гр. иссиқ сувга солинади ва шу аралашма билан ювилади.

***

Сақич кийимга ёпишса, муз бўлагини олиб, ўша жойга қўйинг. Бир неча дақиқадан кейин муз бўлаги олиб ташланади ва қотган сақич кийимга зиён етказмасдан кўчириб олинади.

## Микротўлқинли печда тайёрланадиган таомлар

*400 гр. консерваланган олча сувидан селгитилади ва қоғоз салфеткага ўраб, қуритиб олинади. Аввал 2 чой қошиқ картошка крахмали билан, кейин 100 гр. шакар билан яхшилаб аралаштирилади. Тухумнинг сариғи оқидан ажратиб олинади.*

### Мевали сомса

Ёғли хамир юпқа қилиб ёйилади ва тўртбурчак қилиб кесиб олинади. Уларнинг четига тухумнинг оқи суртилади. Ичига олчали масаллиқ солиниб, яхшилаб ёпиштирилади. Сомсалар устига тухумнинг сариғи суртилади. 180 градусда 10 дақиқа қиздириб олинганидан сўнг унинг юқори қаватидаги панжарага ёғ шиммайдиган қоғоз солиниб, сомсалар терилади ва 50 градусда 12 дақиқа давомида пишириб олинади.

**МАСЛАҲАТ: Сомса тайёрлашда бошқа мевалардан ҳам фойдаланса бўлади. Янги узилган мевалар майда тўғралиб, шакар билан аралаштирилади. Компот меваларидан фойдаланмоқчи бўлсангиз, аввал уларни қуритиб олинг, сўнгра картошка крахмалига ботириб олинг.**

### Венгерча гуляш



500 гр. мол гўшти яхшилаб ювилади, бўлакланиб, микротўлқинли печ идишига териб чиқилади. Устидан майда тўғралган пиёз, тўртбурчак шаклида кесилган қизил булғор қалампири қўшилади. Қопқоғи ёпилиб, печда 100 градусда 5 дақиқа давомида пишириб олинади. Пўстидан тозаланган 2 дона помидор майда қилиб тўғралиб, масаллиқнинг устига қўйилади.

2 дона гўштли булон кубикларини 50 мл. қизил винода эритиб, 0,5 чой қошиқда майдаланган гармдори сепилади, яхшилаб аралаштирилади. Таомга қуйилгач, қопқоғи ёпилади. 100 градусда 7 дақиқа давомида пиширилади.

**МАСЛАҲАТ: Мазкур таомни тайёрлашда консерваланган помидордан ҳам фойдаланса бўлади. Аввал консерваланган помидор вилка ёрдамида эзилади ва шарбати билан бирга гўшт устидан қуйилади.**

**Н.ЖЎРАБЕКОВА тайёрлади**

# Ойдан-да гўзалдир, кундан-да гўзал...



*Кунлар совиши билан кўпчилик аёллар юз ва қўл териси билан боғлиқ муаммоларга дуч келишади.*

*Бу муаммоларнинг олдини олишда, аввало, шахсий гигиена қоидалари, вақтида ишлаш, дам олиш, чўмилиш, тоза ҳавода сайр қилиш, витаминларга бой овқат истеъмол қилиш муҳим.*

*Шунингдек, турли ниқоблардан фойдаланиш ҳам фойдалидир. Ниқоблар ажиннинг олдини олиш, юмшатиш, теридаги ортиқча ёғ, сепкил ва ҳуснбузарларни йўқотиш учун ишлатилади.*

*Ниқоб қўйиш учун юз ва бўйин яхшилаб ювилади. Сочни тепага кўтариб, махсус қалпоқ кийилади. Ниқобни юзга қўйгач, тик туриш, юриш ёки ўтириш ярамайди. Осмонга қараб ётган ҳолда оёқларни озгина тепага кўтариш яхши самара беради. Шунда юз мускуллари бўшашади.*

**Кўзгу олдида**

*Айни куз фасли бўлгани учун терига жуда фойдали бўлган мева ва полиз экинларидан тайёрланадиган ниқобларни тавсия этамиз.*

***Қуруқ тери учун:***

*Уйингизда бор мевадан фойдалансангиз бўлади. Мева бўтқасига қаймоқ ҳамда тухум сариғи тенг миқдорда қўшилади. Бир чой қошиқ мева ёки сабзавот шарасини томчилатиб, аралаштирилади. Ниқоб юзга суртилгач, 10 дақиқадан сўнг ювиб ташланади.*

*2-3 ош қошиқ қовун уруғи, бир ош қошиқ сметана ва бир чой қошиқ асал керак. Уруғ ҳовончада майдалаб туйилиб, асал ва сметана билан аралаштирилади. Ниқоб юзда 15-20 дақиқага қолдирилади.*

*2 ош қошиқ асал, бир ош қошиқ сабзи шарбати, битта бодринг керак. Асалга сабзи шарбати аралаштириб, юзга суртилади. Кейин бодринг бўлакчаларидан ёпиштирилади. 15 дақиқадан кейин ювиб ташлаш мумкин.*

***Ёғли тери учун:***

*Асалга лимон шарбатини аралаштириб, юзга яхшилаб суртилади. Кейин паррак-паррак тўғралган бодринг ниқоб устидан ёпиштирилади. 15 дақиқадан сўнг ювиб ташлаш мумкин.*

***Ёғли ва сўлғин тери учун:***

*Ўсимликлардан тайёрланадиган ниқоб бу турдаги терини яхшилашда наф беради.*

*2 ош қошиқ петрушка ва мойчечак аралашмаси 30 дақиқа дамлаб қўйилади. Совигач, дамламани докага шимдириб, юзга ёпиштириб қўйилади. 10-15 дақиқадан сўнг ниқоб олиниб, юз илиқ сувда ювилади.*

***Доғларни йўқотиш учун:***

*Бодринг ва лимондан шу мақсадда фойдаланиш мумкин.*

*Бодринг қирғичдан ўтказилиб, унга 1 ош қошиқ озиқлантирувчи крем қўшиб яхшилаб аралаштирилади ва юзга қўйилади. 20-30 дақиқадан сўнг ювиб ташланади.*

*Лимон сувини картошка ёки буғдой уни билан баробар миқдорда олиб аралаштирилади. Юзга суртилиб, 10-15 дақиқадан кейин ювиб ташланади.*

*Ёдингиздан чиқарманг, ҳар нарсанинг меъёри бўлгани каби ниқобларни ҳам кунда қўйиш ярамайди. Улардан ҳафтасига икки марта фойдаланиш керак.*

**Дилором МУСАЕВА тайёрлади**

## Миллий чемпионат

***Футбол бўйича Ўзбекистон чемпионати баҳсларининг тугашига бир тур қолганида Олий лиганинг барча совриндорлари номи маълум бўлди. «Бунёдкор» кетма-кет учинчи марта Ўзбекистон чемпиони бўлди. «Пахтакор» кумуш, «Насаф» эса бронза медаллари соҳибига айланишди.***

# Совриндорлар маълум

«Бунёдкор» Чирчиқда «Металлург»ни 2:1 ҳисобида мағлуб этган бўлса, «Пахтакор» айнан шу ҳисобда Самарқандда мағлубиятга учради. «Насаф» эса ўз майдонида «Локомотив»дан устун келди. «Шўртан» кутилмаганда «Қизилқум»га ютқазиб қўйди.

Натижада, «Шўртан» 4-ўринда қоладиган бўлди. 5-ўрин учун эса бирданига 4 та жамоа — «Андижон», «Металлург», «Машъал», «Қизилқум» жамоалари даъвогарлик қилишмоқда. Олий лигани тарк этадиган иккинчи жамоа номи эса сўнгги турда маълум бўлади.

## Оғир атлетика



***Мамлакатимиз оғир атлетикачилари навбатдаги халқаро турнирда муваффақиятли қатнашиб, юртимиз довруғига довруғ қўшишди.***

# «Шаҳзода кубоги»дан ёруғ юз билан

Ўсмирлар ва ёшлар терма жамоамиз Осиёда етакчилардан ҳисобланади. Бу йилги мавсумда қитъа миқёсидаги барча расмий мусобақаларда терма жамоамиз кучли учликдан ўрин эгаллади. Бу сафар ҳам анъана бузилмади. Таиландда бўлиб ўтган «Шаҳзода кубоги» халқаро турнирида ҳам спортчиларимиз юқори натижаларни қайд этишди.

20 ёшгача бўлган атлетлар ўртасида терма жамоамиз ўн беш нафар спортчи билан қатнашди. Қизлардан олти, йигитлардан тўққиз нафар спортчимиз шоҳсупага кўтарилди. Юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилган халқаро тоифадаги спорт усталари Маҳлиё Тоғаева ҳамда Манзура Мамасолиевалар 48 кг. ва 63 кг. вазн тоифасида кумуш медалга эгалик қилишди.

Йигитлар ўртасидаги баҳсда полвонларимиз астойдил ҳаракат қилишди. Чирчиқ олимпия захиралари коллежи тарбияланувчиси Муҳаммад Юсупов 94 кг. да, Сардорбек Дўстмуродов эса илк бор 77 кг. да учинчи ўринни эгаллади. Яна бир чирчиқлик спортчи Алишер Абдуллаев, Урганч давлат университети талабалари Шерзод Рўзметов ҳамда Жаҳонгир Давлатовлар жамоамизга кумуш медал тақдим этишди. Мусобақанинг сўнгги кунида шоҳсупага чиққан Шуҳрат Шомуродов 105 кг.да барча рақибларни ортда қолдириб, олтин медалга сазовор бўлди.

## Осиё чемпионати (U-16)

AFC U-16

**26 октябр куни пойтахтимиздаги «Пахтакор» ва «Жар» стадионларида ўсмирлар ўртасидаги қитъа чемпионатининг иккинчи тур учрашувлари бўлиб ўтди.**

# Гуруҳда пешқадам

Хабарингиз бор, Алексей Евстафеев шогирдлари дастлабки ўйинда индонезиялик тенгдошларини 3:0 ҳисобида мағлубиятга учратганди. Иккинчи турда гуруҳдаги асосий рақиб саналаётган Иорданияжамоаси билан бўлиб ўтган учрашувда вакилларимиз ҳужумга зўр берган бўлсалар-да, ҳисоб очилмади.

Гуруҳда икки ўйин натижасига кўра пешқадамлик қилаётган ўзбекистонликлар учинчи тур беллашувини бугун тожикистонлик ўсмирларга қарши ўтказишади.

Иккинчи тур доирасида майдонга тушган Шимолий кореяликлар амалдаги Осиё чемпиони Эронни мағлуб этишди.

Учрашув кутилганидек кескин тарзда бошланди. Биринчи бўлимнинг бошида томонлар бир-бирларининг нозик нуқтасини топишга уринишди. Бироқ учрашув тақдирини кореяликлар терма жамоаси томонидан киритилган икки гол ҳал этди.

Энди Эрон жамоаси кейинги босқич йўлланмасини қўлга киритиш учун сўнгги турда Сурия ўсмирларини мағлуб этиши керак бўлади.




## Авто пойга

# Туман йўлларида



Тошкент вилоятининг Пскент туманида автомобил пойгаси бўйича Ўзбекистон чемпионати уюштирилди.

Мусобақа Ўзбекистон Республикаси техник ва амалий спорт турлари маркази ҳамда Ўзбекистон миллий автомобил федерацияси ҳамкорлигида ташкил этилди. Унда қирқ нафардан ортиқ спортчи иштирок этди.

Томошабинларда катта қизиқиш уйғотган Тошкент автомобил-йўллар институти спортчилари Олим Аҳмаджонов, Жасур Атаманов ҳамда «Азиярейсингтинг» клуби вакили Рустам Жумаевлар мусобақа ғолибига айланди. Иккинчи ўринга эса «Юнайтедмоторспорт» клуби вакиллари Рустам Маматқулов, Игор Сичов, «Азиярейсингтинг» клуби аъзоси Ислом Алиакбаровлар лойиқ топилди. «Юнайтедмоторспорт» клуби вакиллари Жамол Зокиров, Анвар Эргашев ҳамда «Тайфун» вакили Мурод Муҳаммадиевлар учинчи поғонага эгалик қилишди.

## Баскетбол



**Ўзбекистон Миллий университети спорт залида баскетбол бўйича эркаклар ўртасидаги миллий чемпионатга старт берилди. Унда иштирок этаётган ўнта жамоа икки гуруҳга бўлинган ҳолда ғолиблик учун баҳсларга киришди.**

# Маҳорат намойиши

Чемпионатни Тошкент давлат техника университети ҳамда Ўзбекистон Миллий университети жамоалари бошлаб беришди.

Айни кунларда баскетбол бўйича терма жамоамиз аъзолари Осиё ўйинларига қизғин тайёргарлик кўрмоқда. Бу ўз ўрнида миллий чемпионатимизнинг юқори савияда ўтишига сезиларли таъсир кўрсатиши, табиий. «Техника»чилар биринчи ўйинда рақибларини 90:47 натижаси билан мағлубиятга учратган бўлса, самарқандлик баскетболчилар бухоролик тенгдошларига 77:83 ҳисобида имкониятни бой беришди. Шундан сўнг, 4-сон БЎСМ вакиллари ўтган йилнинг вице-чемпиони ҳисобланган Навоийнинг «Суғдиёна» клубига қарши ўйнаган бўлса, МҲСК баскетболчилари Андижон давлат университети жамоасини синовдан ўтказишди. Ушбу ўйинларда навоийликлар рақибларини 117:34 ҳисоби билан доғда қолдирган бўлса, МҲСК аъзолари андижонликлар устидан 105:39 ҳисобида устун келди. Мусобақалар давом этаяпти.

## Қитъа биринчилиги

***Малайзияда бўлиб ўтаётган футбол бўйича 19 ёшгача бўлган қизлар ўртасидаги Осиё чемпионатининг иккинчи саралаш босқичида Ўзбекистон терма жамоаси нотекис ўйнамоқда.***

# Дуранг панд бермасмикан?

*Нилуфар Хўжаева шогирдлари Эрон устидан қозонилган ғалаба (5:1) ва Вьетнамга бой берилган имконият (0:3) дан сўнг, учинчи ўйинда дуранггa имзо чекишди.*

*Қизларимиз Таиланд билан ўйинда 2:2 ҳисобидаги дуранггa рози бўлишди.*

*Жамоамиз сўнгги учрашувни 30 октябр куни Хитой Тайпейига қарши ўтказади.*



*Шунингдек, 5 та жамоадан иборат гуруҳ босқичи ўйинлари 30 октябргача давом этади ва ягона жамоа финал босқичи йўлланмасини қўлга киритади. Эслатиб ўтамиз, Япония, Жанубий Корея, КХДР, Хитой ва Австралия ёшлар терма жамоалари тўғридан-тўғри финал босқичида иштирок этишади.*

# «Олтин тўп» кимга насиб этади?

ФИФА ҳар йили йилнинг энг яхши футболчисига аталган «Олтин тўп» номинацияси бўйича махсус маросим ўтказиб келади. Яқинда «Олтин тўп»га даъвогарлик қилаётган 23 нафар футболчи номи эълон қилинди.

Рўйхатда Испаниянинг «Барселона» клубидан олти нафар футболчи борлигига кўзимиз тушади. Шунингдек, Мюнхеннинг «Бавария» жамоасидан беш нафар, Мадриднинг «Реал»идан тўрт нафар, «Интер»дан уч нафар футболчи «Олтин тўп»га даъвогарлик қилишмоқда.

Эслатиб ўтамиз, совринни топшириш маросими 2011 йилнинг 11 январида Швейцариянинг Цюрих шаҳрида бўлиб ўтади. Ғолибни ФИФА экспертлари ва Франциянинг «France Football» нашри аниқлаб беради.

**Саҳифани Нарзулла МАХАМОВ тайёрлади**



# Қурбонлар сони ортди

**Индонезияда юз берган цунами ва вулқон қурбонларининг сони 179 кишига етди.**

26 октябр куни мамлакатнинг аҳоли истиқомат қиладиган ғарбий қирғоқбўйи ва орол ҳудудларида бошланган табиий офат оқибатида 154 киши ҳалок бўлган эди. Шунингдек, 400 киши домдараксиз йўқолгани ҳақида расмий хабарлар тарқатилган.

Ява оролидаги Жокякарта шаҳри яқинида жойлашган Мерапи вулқонининг отилиши оқибатида эса яна 25 киши қурбон бўлган ва 14 киши жароҳатланган. Хабарларга қараганда, цунамини келтириб чиқарган ер қимирлашидан бир сутка ўтиб, вулқонлар отила бошлаган.

Вулқон отилиши оқибатида Мерапи қиялигида жойлашган жуда кўп уйлар яроқсиз ҳолга келган. Ҳукумат вулқон атрофидаги 10 километр ҳудудда яшовчи аҳолини эвакуация қилмоқда.

Мерапи — Индонезия ҳудудида жойлашган энг фаол 69 вулқондан биридир. У охирги марта 2006 йил июн ойида отилган бўлиб, икки кишининг ҳаётига зомин бўлган. Вулқоннинг энг кучли отилиши 1930 йилда қайд этилган — ўшанда 1300 киши ҳалок бўлган эди.

Хабарларга кўра, қурбонларнинг сўнгги 25 нафари орасида «вулқон хизматчиси» — Мба Марижан исмли киши ҳам бўлган. Анъанага кўра, «хизматчи» 100 йиллар давомида шаклланган вулқон билан боғлиқ маросимларни адо этиш учун маҳаллий ҳукумат томонидан тайинланади. Гувоҳларнинг шоҳидлик беришича, Марижан ибодат қилмоқчилигини ва вулқонни тинчлантиришга ҳаракат қилишини айтиб, тоғ тепасидаги уйини тарк этишдан бош тортган.

**26 октябр куни Бразилия ҳарбий суди икки самолётнинг тўқнашиб кетишида айбдор деб топилган авиадиспетчерни 14 ойга озодликдан маҳрум этиш ҳақида қарор чиқарди.**

# Айбдор жазога тортилди



Суд қарорига кўра, 154 киши ҳаётига зомин бўлган авиаҳалокатга тегишли авиадиспетчер Жомарсел Сантуснинг масъулиятсизлиги сабаб бўлган. У хавфсизлик қоидаларига амал қилмаган ва учувчиларни тўқнашув хавфи ҳақида огоҳлантирмаган. Айбланувчининг адвокати эса суд ҳукмидан норозилигини айтди. Унинг фикрича, Сантуснинг инглизча билмаслигига қарамай, инглиз учувчилари билан мулоқот қилишга мажбур этган бошлиқлари жавобгарликнинг бир қисмини ўз бўйнига олиши керак.

Авиаҳалокат 2006 йилнинг сентябр ойида содир бўлган эди. Бразилиянинг «Gol» авиакомпаниясига тегишли Боинг 737-800 самолёти «Embraer Legacy» хусусий самолёти билан тўқнашиб кетган. Хусусий самолёт учувчиси амаллаб қўнишга муваффақ бўлган. Йўловчи ташувчи самолёт эса қулаб тушган.

Аввал фалокатга «Embraer Legacy» самолёти учувчилари сабабчи бўлган, деган тахмин бор эди. Улар учиш хавфсизлиги қоидаларига амал қилмасликда айбланган. Шунингдек, учувчилар диспетчер сигналини қабул қила олмайдиган ҳудудда бўлган, деган тахмин ҳам илгари сурилган.

# Сайёра учун ёрдам

***Япония ҳукумати ривожланаётган мамлакатларга ердаги биологик турларнинг камайиб кетишини олдини олиш учун 2 миллиард АҚШ доллари миқдорида маблағ ажратади.***

Бу ҳақда бугун мамлакат премьер-министри Наото Кан маълум қилди. «Бизнинг авлод космик кўламдаги хазина ҳисобланадиган Ернинг ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини бой ҳолатда келажак авлодга етказиш учун сайёрадаги биологик турларнинг қиришини тўхтатиши керак», — дейди у БМТнинг Нагое шаҳридаги сайёрадаги биологик хилма-хилликни асраш масалаларига бағишланган конференциясининг очилиш маросимида. Айтиш жоизки, конференциянинг чоршанба куни бўлган вазирлар мажлисидан олдин қатнашчилар генетик ресурслар протоколи масаласи бўйича ўзаро умумий фикрга кела олишмади. Ушбу протокол ривожланган Европа мамлакатларига асосий биоресурслар етказиб берувчи ривожланаётган мамлакатлар фаолияти ва уларнинг бу соҳада оладиган даромадини тартибга солиш лозим. Ривожланаётган мамлакатлар мазкур масалада ёрдам миқдори кўпайтирилишини сўраган.

*26 октябр куни эрталаб, Германиянинг Оберхаузен ҳайвонот боғидаги океанариумда Паул лақабли машҳур башоратчи саккизоёқ вафот этди. Мутахассисларнинг айтишича, у икки ёшда эди.*

# «Башоратчи» вафот этди



Саккизоёқнинг ўлими тафсилотлари ҳозирча маълум эмас. Ҳайвонот боғи маъмурларининг ОАВ вакилларига хабар беришича, тез орада паркка бошқа саккизоёқ олиб келинади.

Паул шу йили ЖАРда бўлиб ўтган футбол бўйича жаҳон чемпионати даврида машҳурликка эришди. У чемпионатдаги саккиз учрашув ҳамда финал баҳси натижаларини тўғри башорат қилган эди. Жаҳон чемпионати тугаганидан сўнг Паулни немис океанариумидан сотиб олишни хоҳловчилар бўлди. Аммо парк маъмурияти таниқли моллюскадан ажралишни истамаган эди.

2008 йил январ ойи саккизоёқнинг тахминий туғилиш санаси ҳисобланади. У Англияда туғилган бўлиб, кейинчалик Германияга олиб келинган.

*Ишловчи оналар фарзандларини уй бекаларидан яхшироқ тарбиялар экан. Профессор Рэйчел Лукас-Томпсон раҳбарлигидаги Калифорния университетининг бир неча мутахассиси шундай хулосага келган.*

# Кимнинг боласи яхши?



Уларнинг таъкидлашича, оналик таътилидан сўнг боласи уч ёшга тўлишидан аввал ишга қайтадиган аёллар фарзандига доим уйда ўтирадиган аёлларга нисбатан яхшироқ таъсир ўтказар экан.

Аввал уй бекалари болага яхшироқ тарбия беради, деган қўникма бор эди. Чунки доимо уйда бўладиган она ўзининг бутун вақтини болага бағишлайди ва кўпгина муаммоларнинг олдини олади. Аммо янги тадқиқот натижасига кўра, онанинг касбий фаолияти болага салбий таъсир кўрсатмайди.

Касбий фаолият даромад манбаи бўлиш билан бирга, руҳий зўриқиш даражасини ҳам пасайтиради. Бундан ташқари, фаол ва қизиқиш доираси кенг, мутахассис сифатида шаклланган она — ўрнак олиш учун яхши намунадир.

Шу билан бирга, доктор Лукас-Томпсоннинг қайд этишича, фарзандли бўлгандан кейин ишга чиққан оналар молиявий муаммо ва моддий таъминотга ўта берилмаслиги керак.

*Дунёнинг ҳар ўнинчи миллиардери Швейцарияда истиқомат қилади. Мамлакатдаги 3 фоиз аҳолининг бойлиги эса қолган 97 фоиз аҳолининг жамғармасига тенгдир.*



# Миллиардерлар мамлакати

Швейцариянинг Базел университетида ўтказилган тадқиқотларга кўра, Ер аҳолисининг мингдан бир қисми яшайдиган ушбу мамлакатда дунё хусусий капиталининг 1,1 фоизи жамланган.

Минглаб миллиардерлардан тахминан юзтаси Конфедерация ҳудудида доимий рўйхатда туради. Профессор Мадернинг фикрича, бу ерда «гап бойликларнинг тарихда ҳеч кузатилмаган миқёсда монополлаштирилиши ҳақида кетмоқда». Эксперт бу масалага аҳолининг ўрта синфига босимнинг ортиши сифатида баҳо беради.

Шу йилнинг октябр ойида «Evans» компанияси инвестициялар ва кўчмас мулк учун хавфсиз бўлган Европа мамлакатлари юзасидан ўтказган тадқиқоти натижаларини маълум қилди. Бу рўйхатда биринчи ўринни Швейцария эгаллаган. Тадқиқотда мамлакат иқтисодиётининг барқарор эканлиги ва кескин нарх ўзгаришларининг йўқлиги қайд этилган.

# Қирқ йил қирғин бўлса...

***Хитойнинг Гуйчжоу вилоятидаги Гуйян шаҳрида ҳайратланарли ҳодиса юз берди: 10 яшар хитойлик бола 20-қаватдан тушиб кетди ва омон қолди.***

Маълум бўлишича, бола деразадан тушиб кетиб, пастдаги автомашинанинг орқа ойнасига боши билан «санчилиб» қолган. Машина эгалари салонда қолдирган ёстиқ боланинг омон қолишига сабаб бўлган.

Ҳодисадан кейин болани текширган врачлар унинг ҳеч қаери синмаганини, фақат қулаш пайтида субарахноидал қон қуйилиши юз берганини ва бу унинг ҳаётига хавф солмаслигини маълум қилишган.

Полициянинг маълум қилишича, кузатув камераларидаги қайдлар очиқ турган ойнадан боланинг ўзи тушиб кетганини тасдиқлайди.

Ҳодиса юзасидан текширув ишлари бошланганига қарамай, терговчилар бунинг шунчаки бахтсиз ҳодиса эканига ишонишмоқда.

Бола йиқилган машина эгаси эса, унинг тирик қолганидан бахтиёр эканини айтган. «Машинани тузатиш муаммо эмас», — дейди у. Бино эгалари эса деразаларга хавфсизлик панжараларин ўрнатишни бошлашди.

**Интернет хабарлари асосида Ж. ЮНУСОВ тайёрлади**

**Тошкент шаҳри Миробод туманидан рўйхатдан ўтган ИНН 206 999 471 рақамли «Osiyo - Navo - TUR» хусусий корхонаси тугатилади.**

Ўзбекистон давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши жамоаси Марказий кенгашнинг Бухоро вилояти бўйича вакиллиги бош ҳисобчиси Мастура Юлдашевага акаси

**Музаффар ЮЛДАШЕВ**нинг

вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

Тошкент шаҳар савдо ходимлари ва тадбиркорлар касаба уюшмаси кенгаши жамоаси «Федорович номидаги санаторий клиника» МЧЖнинг касаба уюшмаси қўмитаси раиси Раъно Комиловага турмуш ўртоғи

**Боситхон КОМИЛОВ**нинг

вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

***Жойларда меҳнаткашлар ўртасида турли спорт тадбирлари уюштириш, шу йўл орқали ходимларни жисмоний тарбия ва спортга янада кенгроқ жалб этишга катта аҳамият қаратилаётгани ҳар жиҳатдан ўзини оқлаётир. Айнан шунинг учун ҳам бу каби хайрли ва ибратли ишларни мамлакатимизнинг деярли барча корхона ва ташкилотларида кузатишимиз мумкин.***

Ташаббус



# Турнир ҳамжиҳатликни мустаҳкамлайди



Ана шундай тадбирлардан бири яқинда Тошкент давлат иқтисодиёт университетида ташкил этилди. Аслида бунинг ҳеч бир янгилиги йўқ. Университетда ҳар йили мини-футбол бўйича бирлашган касаба уюшма қўмитаси «Кўчма кубоги» баҳслари анъана тусини олган. Бу гал ҳам шундай бўлди. 21-24 октябр кунлари маъмурият, факултетлар профессор-ўқитувчилари ҳамда ходимлар ўртасида турнир бўлиб ўтди.

Турнирда университетнинг «Маъмурият», «Иқтисодиёт», «Халқаро иқтисодиёт», «Халқаро бизнес», «Бухгалтерия ҳисоби ва аудит», «Ахборот технологиялари ва менежмент»,«Халқаро туризм» факултетлари ҳамда Г. В. Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт академияси Тошкент шаҳар филиали, тўрт кун давомида ғолиблик учун беллашдилар.

— Мусобақа кутилганидан ҳам муросасиз кечди. Жамоаларнинг ғалабага бўлган интилишлари туфайли биз кўплаб қизиқарли учрашувларнинг гувоҳига айландик, — дейди университет бирлашган касаба уюшма қўмитаси раиси Қаҳрамон Алимов. — Баҳсларда иштирокчилар нафақат илмда, балки спортда ҳам анча фаол эканликларини амалда намоён этди. Бу қўлга киритилган натижаларда ҳам ўз аксини топди дейиш мумкин. Ҳар ҳолда бир йўла олтмиш тўрт нафар профессор-ўқитувчи ғолиблик учун астойдил ҳаракат қилиб турса, ҳаяжонланмай бўларканми ахир! Дарвоқе, бу турнирнинг йўлга қўйилганига ҳам ўн йилдан ошди. Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишлаб ўтказиладиган бу тадбиримиз бу йил айрим сабабларга кўра, бироз кечроқ ташкил этилганига қарамасдан иштирокчиларнинг шашти баланд эканлиги кўзга яққол ташланди. Бундан ташқари, университетимизда профессор-ўқитувчилар, ходимлар ва талабалар ўртасида дарсдан бўш вақтларда шахмат, дзюдо, кураш, волейбол, стол тенниси сингари спорт турларидан мунтазам равишда мусобақалар ўтказиб келинади. Бу эса, уларнинг нафақат илмда, балки жисмоний тарбия ва спортда ҳам фаол бўлишларига хизмат қилиши, шубҳасиз.



Айтганча, бу йилги турнирда қатнашчиларнинг ёши ҳам чекланган. Яъни, иштирокчиларнинг ёши ўттиз ёшдан юқори бўлиши мусобақа низомида белгилаб қўйилган.

Ниҳоят, тўрт кун давом этган қизиқарли баҳс ҳам якунига етди. Мусобақанинг сараланган жамоалари ўртасида ҳал қилувчи беллашувларга ҳам навбат етиб келди. Учинчи ўрин масаласига ойдинлик киритиш мақсадида майдонда «Ахборот технологиялари ва менежмент» ҳамда «Иқтисодиёт» факултетлари профессор-ўқитувчилари ҳозир бўлишди. Учрашув бош ҳакамининг ҳуштаги янграши билан томонлар ҳужумкорликка зўр беришди. Ҳар бир бўлими 20 дақиқадан давом этган курашда «иқтисодчи»ларнинг қўли баланд келди — 6:2.

Қисқа танаффусдан сўнг, биринчи ўринга ким лойиқлигини амалда исботлаб олиш учун майдонга «Маъмурият» ва «Халқаро иқтисодиёт» факултетларидан таркиб топган жамоалар таклиф этилди. Шуниси ажабланарлики, «Маъмурият» жамоасида университет ректори ва барча проректорлар қатнашдилар. Айнан шунинг учун ҳам у футбол ишқибозлари диққат марказида бўлди. Икки жамоа аъзолари ҳам аслида бир мақсад йўлида меҳнат қилсалар-да, майдонда ҳақиқий рақибларга айланишди. Бир-биридан кескин ва муросасиз ҳужумлар, дарвозалар томон амалга оширилган кетма-кет зарбалар, бир сўз билан айтганда, тезкор ва тартибли ўтган финал учрашувга ўзига хос мазмун бахш этди. Нима бўлганда ҳам тажриба ўз сўзини айтди. «Маъмурият» жамоаси бош соврин соҳибига айланди — 5:0.

Мусобақа сўнггида иштирокчиларнинг фикрлари билан қизиқдик:

— Одатдагидек, бу йил ҳам турнир қизиқарли ўтди. Биз тўртинчи ўринни олдик, — деди ахборот технологиялари кафедраси ўқитувчиси Раҳим Маживов. — Албатта, бу футбол. Кимдир ютади, кимдир ютқазади. Муҳими, бу тадбир ходимларнинг спортга бўлган қизиқишларини кучайтирибгина қолмай, ходимларнинг ҳамжиҳатликда фаолият юритишларига ҳам хизмат қилади. Университетимизда яхши анъана бор. Профессор ва ўқитувчилар ҳафтасига икки маротаба мини-футбол билан шуғулланиб туришади. Мен бугун ярим ҳимояда ўйнадим. Жамоамизда математика кафедраси ўқитувчиси Фариддин Абдулқосимов, ахборот технологиялар маркази директори Дилмурод Расулов, иқтисодиётда ахборот тизимлари кафедраси ўқитувчиси Шароф Хошимхўжаев, декан муовини Анвар Исмоилов, педагогика-психология кафедраси ўқитувчиси Зокир Расуловлар яхши ўйин кўрсатишди.

— Бундай турнирлар фақат жамоамизнинг соғлом, аҳил бўлишига ва албатта, бирдамликка чорлайди, — деди ғолиб жамоа сардори, университет ректори профессор Н. Жумаев. — Барча иштирокчиларни мана шундай саломатлик тадбирида иштирок этгани билан табриклайман. Бундан кейин ҳам бу каби турнирлар сони ортиб, янада юқори савияда ташкил этилишига ҳаракат қиламиз.

— Неча йилдирки, ушбу илм даргоҳида кўплаб спорт турнирлари ташкил этилиб келинади. Лекин ҳар сафаргиси бир-биридан ўзгача руҳда ўтиши билан ёдда қолаверади. Бугунгиси ҳам шундай кўтаринки руҳда ўтди, — деди таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Тошкент шаҳар кенгаши раис ўринбосари А. Раҳмонов. — Ўйлайманки, анъана давом этади ва саломатликка хизмат қилади.

Якунда барча иштирокчилар бирлашган касаба уюшма қўмитаси томонидан қимматбаҳо совға ва дипломлар билан тақдирланди.

**Нарзулла МАХАМОВ, «Ishonch» мухбири**



Газетанинг навбатдаги сони 2 ноябр, сешанба куни чиқади.

Insonga naf keltirish – oliy baxt

**МУАССИС:** Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

**Бош муҳаррир:** Абдухолиқ АБДУРАЗЗОҚОВ

**Таҳрир ҳайъати:**
Алла Долженкова, Анвар Юнусов, Довуд Мадиев (Бош муҳаррир ўринбосари), Жаҳонгир Шарофбоев (масъул котиб), Маъмура Адилова, Нормамат Аллаёров, Носирхон Акбаров, Ойсулув Нафасова, Пиримқул Қодиров, Соғиндиқ Ниетуллаев, Шамси Эсонбоев

**Бизга қўнғироқ қилинг:**
Котибият: 256-52-78
Хатлар бўлими: 256-85-43

**Вилоят мухбирлари:**
Андижон + 99897 465 05 68;
Бухоро + 99893 653 50 81;
Жиззах + 99872 360 00 10;
Навоий + 99893 725 46 40;
Самарқанд + 99866 933 25 04;
Сурхондарё + 99897 458 05 07;
Фарғона + 99891 679 32 79;
Қашқадарё + 99897 414 30 78
Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм + 99862 562 56 75;

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0116-рақам билан рўйхатга олинган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-3. Ҳажми 4 босма табоқ.

**Манзилимиз:**
100165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй.
Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.

Сотувда эркин нархда

Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин. Нашримиздан кўчириб босилганда «Ishonch»дан олинганлиги кўрсатилиши шарт. Тижорат аҳамиятига молик материаллар (h) белгиси остида чоп этилади.

E-mail: mail@ishonch.uz

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

**Навбатчи котиб:** Ж.Шарофбоев

**Навбатчи:** Ш.Абдусамадов

**Мусаҳҳиҳ:** С.Шодиева

**Саҳифаловчи-дизайнер:** Ҳ.Абдужалилов

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 21.15

Буюртма Г— 951

Тиражи: 11350

ISSN 2010-5002

1 2 3 5